

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ БҮЙИЧА  
ТУШИНТИРИШ ХАТИ

Диплом лойиҳасининг мавзуси: Термиз CITY

Битирувчи 502-Арх. гурӯҳ талабаси:

Менглибаев А.

Кафедра мудири:

Уралов А.С.

Диплом лойиҳаси раҳбари:

Балгаева

Маслаҳатчилар:

Абдураҳмонов Б.

Самарқанд - 2018 йил

# **Мундарижа**

## I. Кириш

### II. Асосий қисм

1. Меъморий режавий ечим бўлими Термиз шахри тарихи
  - 1.1 Термиз шахар хақида маълумот
  - 1.2 Замонавий холат
  - 1.3 Лойихавий ечим
  - 1.4 Лойиха бўйича хисоб китоблар
2. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш
  - 2.1 Турар жой қурилмалари ландшафтини ташкил этишга қўйиладиган талаблар
  - 2.2 Турар жой тизилмасини ландшафтини ташкил этиш
  - 2.3 Болалар боғчаси худуди ландшафтини ташкил этиш
  - 2.4 Мавзе худудини ободонлаштириш ва ландшафт ташкил этиш лойихаси
  3. Худудни муҳандислик ташкил этиш ва транспор
    - 3.1. Термизшаҳрида турар жой худудини муҳандислик ташкил этиш
    - 3.2. Шаҳар сугориш тизимининг таснифи
    - 3.3. Шаҳар худудини вертикал режалаштириш
    - 3.4. Термиз шахри турар-жой мажмуаси лойиҳасининг транспорт бўлими
    - 3.5. Кўча элементлари
    - 3.6. Автоуловларни жойлаштириш схемаси
    - 3.7. Хулоса
  4. Конструктив қисм
    - 4.1. Биноларнинг умумий конструктив ечими
    - 4.2. Биноларнинг яхлит темир бетон плитали том ёпмасининг теплофизик ҳисоби
  5. Иқтисодий қисм
    - 5.1. Термиз шахрида “Termiz city” лойиҳаси техник иқтисодий кўрсатгичлари.
    - 5.2. Смета қиймат кўрсатгичлари.
  7. Экология қисми.
- III. Фойдаланилган адабиётлар.

## КИРИШ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ва миллий тараққиёт йўлига дадил қадамлар билан кириб бориши шаҳарсозликда халқ меъморлик меросидан ўрнак олиб, маҳаллий шароитларга мослиқ, кўркам ва шинамлик, жаҳон андозаларидан қолишмаслик каби қатор жиҳатлар эътибор марказида бўлишини тақозо этади. Ўзбекистондаги сиёсий ва маънавий ривожланиш, жамиятни демократлаштириш ислохотлари, ижтимоий-иктисодий ва илмий-техник тараққиёт мамлакатимиздаги шаҳарсозлик соҳасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини жадал ривожлантириди.

Шаҳарсозлик замонавий босқичда ҳудудий тизимларнинг янги масштаблари, режалаштириш ва келажак истиқболларнинг янги лойиҳавий муддатлари, шаҳарларни лойиҳалаш ва қуришнинг янги муаммолари билан юзма юз келди. Бу эса ёш мутахассислар - архитекторларни тайёрлашга янгича ёндашувни талаб этади. Уларнинг шаҳарсозлик бўйича барча ютуқ ва камчиликларни ўзида мужассам этган бой тажрибасидан келиб чиқувчи малакавий кўнишка ва маҳоратлари бозор иқтисодиёти шароитида ривожланаётган Ўзбекистоннинг янги шаҳарсозлик стратегиясини ҳаётга тадбиқ этувчи мезондир.

Шаҳарсозлик кенг мазмунга эга тушунча. У ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган аҳоли яшаш жойларини ташкил қилиш муаммолари, ҳамда аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган тураг-жойларни яратиш масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Аҳоли яшаш жойи - доимий аҳолисининг тўпланиши моддий фондлар (бинолар, иншоотлар, йўллар, муҳандислик тармоқлари ва бошқалар) билан мустаҳкамланган ҳудуднинг бир қисми. Режалаштириш эълементлари хисобланади.

Шаҳар - бу бир-бирлари билан боғлиқ бўлган қўп турли корхона ва заводлар мажмуасидан иборат. Ҳар куни шаҳар минглаб тонна хомашё ва озиқ-овқатлар истеъмол қиласи, минглаб тонна саноат ва бошқа чиқиндиларни чиқаради.

Хозирги техника инқилоби аслида тескари масала, яъни табиатни сақлаш, қайта тиклаш ва соғъломлаштириш инсон учун ҳаётий заруриятдир. Шаҳар ва

табиат, инсон ва табиат бу архитектор учун бир маънодаги тушунчалардир. Улар архитектордан ўз фаолиятига фалсафий ёндошишни талаб этади, чунки архитектор инсон ва табиат ортасидаги бирликни ўрнатишдаги етакчи шахсdir. Ўзбекистонда шаҳарларни лойиҳалаш тураг-жой бинолари ва саноат корхоналарини санитария-гигиена оралиқларини таъминлаган, қулай транспорт алоқаларини ташкил қилган ҳолда ўзаро мақсадга мувофиқ жойлаштириш тамойилига асосланади. Бунда шаҳар ва шаҳар атрофида боғлар ташкил қилиш, ўрмонларни кенгайтириш, сув ҳавзаларини ташкил қилиш ва ҳоказолар орқали табиатни одамга яқинлаштириш кўзда тутилади.

Шаҳарсозларнинг энг мураккаб вазифаларидан бири - шаҳарнинг у ёки бу ансамблларини визуал қабул қилиш учун маълум бир шароитлар яратиши, эркин маконлар тизимини, тураг-жой массивлари, иш жойлари, жамоат марказлари ва дам олиш жойлари орасидаги шаҳар ичи алоқаларини ҳал этишдир. Бунда эркин маконлар рўли жуда катта.

Архитектуранинг бирор соҳаси йўқки, шаҳарсозлик сингари замонавий ҳаёт шарт - шароитлари билан чамбарчас боғъланмаган бўлса. Замонавий ҳаёт шарт - шароитлари, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан боғлиқ эканлигини этиборга олсак, "Шаҳарсозлик асослари" фанининг ишлаб чиқаришдаги аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини кўрамиз.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш дастурида замонавий ҳаётнинг янги талабларини эътиборга олган ҳолда эски шаҳарларни қайта қуриш ва янги шаҳарларни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Ҳозирда 122 та шаҳар ва 113 та шаҳар типидаги поселкалар мавжуд. Ушбу вазият Ўзбекистон шаҳарсозлигининг асосий ижтимоий йўналишини белгилайди ва шунга яраша етарли даражада малакали мутахассисларни керакли соҳалар бўйича етиштириб беришни талаб этади.

Якка тартибда амалга оширилаётган тураг жой қурилишининг ривожланиши, қишлоқ инфратузилмаси яҳшиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 жил 30 август "Шаҳар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш тўғрисидаги "Қарори талабларини ва Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарсозлик

хужжатлари билан имкон қадар киска муддатларда ва кам харажатлар эъвазига таъминлаш мақсадида қишлоқ фуқаролари йиғини худудининг архитектурарежавий ташкиллаштириш ЎМПТ бўйича комплекс лойиха ишлаб чиқишга ўтиш зарур деб хисоблаймиз, бунда барча қишлоқ ахоли пунктларининг схематик бош режалари ишлаб чиқилади, ер ресурслари, турар жой фонди, ижтимоий ва мухандислик инфратузилмалардан оқилона тарзда фождаланиш масалалари ҳал қилинади.

Мустақилликка эришилгандан кейин тарихда биринчи маротаба 1995 йилда "Архитектура ва шаҳарсозлик" бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунни амалга ошириш ва бажариш жараёнида кўп соҳавий имкониятлар пайдо бўлди ва шу асосда тарихни, маданий бойликларни, иқлимини, зилзила ва умуман, худудимизга ҳос бўлган ҳолатларни эътиборга олган ҳолда 148 та миллий-давлат "Қурилиш меъёрлари ва қоидалари" ишлаб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг биринчи йилидан ва айниқса, охирги йилларда шаҳарсозлик соҳасига эётибор кучайиб келмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси президенти 2018-йил 2-августдаги “Республика худудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади.**

Хужжат билан Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси, республика вилоятлари туман ҳамда шаҳарларида ва Тошкент шаҳрида «Business sity» шаклидаги замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилди.

Белгиланишича, туман ва шаҳарларда «Business sity» марказларини ташкил этиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси, республика вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан уларнинг концепцияси Вазирлар Маҳкамасида мувофиқлаштирилгач қабул қилинади.

«Business sity» марказлари худудида объектларни қуриш инвесторлар маблағлари, жумладан хайрия маблағлари, кредитлар ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Business sity» марказлари фаолиятини самарали ташкил этишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

2019 йилнинг 1 январига қадар тегишли туман ва шаҳарларда «Business sity» марказларини барпо этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши лозим.

«Business sity» марказларини қуриш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида инвесторлар 2021 йилнинг 1 январига қадар мол-мулк солиги ва ер солигини тўлашдан озод этилади. Шунингдек, бош пудратчи ва бош лойиҳа ташкилоти Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажарилувчи (кўрсатилувчи) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод қилинади.

# **МЕЪМОРИЙ РЕЖАВИЙ ЕЧИМ**

## **Бўлими**

## Термиз шаҳри тарихи

**Термиз** — Сурхондарё вилоятидаги шаҳар. Вилоят маркази. Амударёнинг ўнг соҳилида, Ўзбекистоннинг жан. қисмида, Афғонистон чегарасига яқин, ўртacha 310 м баландлиқда жойлашган. Халқaro дарё порти ва темир йўл стансияси мавжуд. Тошкентдан 708 км. Майдони **27,8 км<sup>2</sup>**. Аҳолиси **899,6 минг** киши (2018). Иқлими континентал, иссиқ ва қуруқ, ёзижазирама иссиқ (Ўзбекистондаги энг иссиқ шаҳар – энг юқори температура 49,5°, 1914-йил 21-июнда қайд этилган), қиши илиқ ва қисқа. Йиллик ўртacha температура **16–18°**. Январнинг ўртacha температураси 2,8–3,6, июлники 28–32°. Баъзида, қишда совук – 20° ва ундан ҳам паст бўлади. Йиллик ёғин 133 мм.

Археологик топилмалар, араб ва юнон манбаларида келтирилган маълумотлар Термизнинг Шарқдаги қадими шаҳарлардан бири эканлигидан далолат беради. Шаҳарнинг қулай географик ўрни, стратегик аҳамиятга молик жойда бўлганлиги, шарқни ғарб, жанубни шимол билан боғловчи савдо чорраҳасида барпо этилиши, унинг тез суръатлар билан ривожланишига замин яратган. Буюк ипак йўлининг муҳим бир тармоғи ҳам Термиз орқали ўтган.

Қадимги Шарқ сивилизациясининг шаклланишида Термизнинг ўзига хос ўрни бор. Кўхна Термизнинг қалъа қисмида олиб борилган археологик изланишлар натижалари ва ёзма манбаларнинг таҳлилига кўра шаҳарга мил. ав. 1минг йилликнинг ўрталарида асос солинган. ТермизСуғдиёна, Хоразм, Марғиёна ва Парфия давлатлари билан маданий ва савд оалоқаларини ўрнатган. Топилмаларга қараганда шаҳарнинг Ҳиндистон билан маданий ва савдо алоқалари ҳам жуда фаол ва узвий бўлган.

Мил.ав. 4–3-асрларда 10 га майдонни эгаллаган Термизнинг қад. қалъаси ўрнида аҳоли манзили бўлган. Ҳофизи Абройнинг ёзишича, шаҳар номи "Тарамастҳа" (бақтрийча "нариги соҳилдаги манзил") сўзидан олинган бўлиб, асрлар давомида турлича аталиб келган (мас., Антиохия, Деметриас, Тармид, Тармиз, Тами, Тамо), 10-асрдан Термиз деб атала бошлаган.

Термиз мил. ав. 3–2-асрларга келиб Бақтриянинг энг ривожланган, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланди. Ашёвий далилларга кўра бу даврларда шаҳарда меъморлик ва ҳунармандчиликнинг бир қанча соҳалари (кулолчилик, дегрезлик ва металлсозлик, шишасозлик), Салавкийлар, ЮнонБақтрия шоҳлари товар-пулмуомаласи Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларига қараганда анча олдин ривожланганлигидан далолат беради.

Термиз шаҳрининг гуллаб яшнаган даври Кушонлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бу даврда Термиз ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, Шимолий Бақтрияning йирик шаҳрига айланган. Шаҳарда шу даврга оид меъморлик ва ҳунармандчилик бинолари ва намуналари, турли нафис сопол ва шиша идишлар, фил суюги, қимматбаҳо металл ва тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари каби топилмаларнинг кўплаб қайд қилиниши бунинг далилидир. Масалан, Далварзинтепадан топилган ва фил суюкларидан ясалган шахмат доналари (фил ва хўкиззебу шаклида) хозирги кунда ер юзида аниқланган энг қимматбаҳо шахмат доналари (мил. 2-аср) хисобланади. Ўша даврда Термиз Кушонлар давлатининг муҳим шаҳри ва буддизмнинг марказларидан бири бўлган.

Шаҳарни Термизшохлар идора қилган. Ўша даврда Термиз Термизшохлар ҳокимлигининг пойтахти бўлиб турган. Араблар босиб олган даврда (686–704) Термиз 70 гектарга яқин майдонни эгаллаган, тўртбурчак шаклидаги қалъадан иборат бўлган. 10-асрда ёзилган "Худуд ул-Олам" асарида Термиз "Жайхун бўйидаги куркам ва обод шаҳар. Қалъаси дарё бўйида, улкан бозори машхур, Хутталон ва Чағониён аҳли шу ерда савдо қилади", деб таърифланган.

Х-ХІІаср Бошларида Термиз равнақ топган. Тоҳаристоннинг йирик шаҳри, ҳунармандчилик ва савдо марказига айланган. Бу даврда Термиз ҳудуди 500 га дан ортиқ майдонни эгаллаган. Шаҳарда бир қанча маҳобатли бинолар барпо этилган. Шулардан Эски шаҳар қисмида Термизшохлар саройи сакланиб қолган.

Шаҳарда темирчилик, шишасозлик, кулолчилик ривожланган. Термизда тайёрланган ҳунармандчилик буюмларига талаб юқори бўлган. Шаҳарда ўнлаб карвонсаройларфаолият кўрсатган. Ўша даврда Термиз йирик маданият ва илм-фан маркази сифатида ҳам ном қозонган. Термизлик олиму-уламолар ўрта аср Шарқининг фан, маданият ва маърифатига ўз ҳиссасини қўшган.

Термиз вақти-вақти билан Газнавийлар, Қорахонийлар, Қорахитойлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари таркибида бўлган. 1220 йилда Термиз мўғуллар томонидан вайрон қилиб ташланган. Шарафудсин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида қайд қилинишича, Термиз аҳолиси мўғулларга қаттиқ, қаршилик кўрсатган ва шу боис шаҳар "Мадинат уррижол" ("Мардлар шаҳри") деб ҳам аталган. Мўғуллар истилосидан сўнг, 14-асрда Термиз Сурхондарё соҳилига яқин жойда янгидан кўтарди. Шаҳар ўз ўрнини бир неча бор ўзгартирсада, асрлар давомида ўз номини Тармита, АнтиохияТармита, Тармиз, Тирмиз, Термиз кўринишларида саклаб келган.

Амир Темур Мовароуннаҳрни эгаллагач (1370), Термиз Сурхондарё воҳаси билан бирга Темур давлати таркибига кирди. 1407 йилда Темурий Халил Султон фармони билан дарё соҳилидаги Термиз қалъаси қайта тикланди. Кўп ўтмай ўз тангларини зарб этадиган катта шаҳарга айланди. 1504–05 йилларда шаҳарни Шайбонийхонэгаллади. Кейинчалик турли сулолалар тасарруфида бўлиб, 18-асрнинг 2-ярмида шаҳар

ўзаро урушлар натижасида бутунлай вайрон қилинган. Фақат, унинг атрофидаги Паттакесар ва Солихбод қишлоклари сакланиб қолган.

1894 й. Термиз харобаларидан 8 км нарида жойлашган Паттакесар қишлоғида русларнинг маҳаллий аҳоли томонидан "Тупроққўрғон" деб номланган қалъа истеҳкомиқурилган. Ҳоз. Термиз шу Тупроққўрғон атрофида бунёд этилган. 1916 й. Бухоро–Қарши–Термиз темир йўл қурилиш муносабати билан Термизнинг иқтисодий мавқеи ўсди.

Ўзбекистонни қўшни Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар билан боғловчи йўл Термиз орқали ўтиши шаҳарнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Термизда дастлабки археологик қазишма ишлари Б.П.Денике (1926–27), М.Е. Массон раҳбарлигидаги Термиз археологик комплекс экспедицияси (1936–38) томонидан олиб борилган. Эски Термизда археологик қазишма ишлари кейинчалик Ш.Пидаев, Т.Аннаев томонидан давом эттирилиб, шаҳар тарихи янада ойдинлаштирилди.

1933 йилда Термизда биргина пахта тозалаш заводи ва яна бир неча устахоналар бўлган. Кейинчалик ва айниқса, мустақиллик йилларида, саноат, қурилиш, енгил, озиқ-овқатва бошқа корхоналар ишга тушди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари яхшиланди. Шаҳарда янги темир йўл вокзали қурилди. Амфитеатр, археология музейи, санъат коллежи, академик лицей, тадбиркорлар маркази, марказий стадион, "Делфин" сузиш ҳавзаси, кураш саройи, теннис корти, "Алпомиш" мажмуаси, марказий бозор, "Термизнинг 2500 йиллиги" номли хиёбони, шошилинч тиббий марказ қурилиб ишга туширилди.

## Меъморий режавий ечим



Лойиҳалаштрилаётган худуд Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ҳудудида бўлиб, хозирги кунда биз танлаган жойда умуман ҳеч қандай бинолар мавжуд эмас ва экинзорлардан иборат. Шу сабабдан бу ерда лойиҳа ишларини бажаришда асосан эркин ҳамда мунтазам планировка ечимидан фойдаланилди. Ушбу “Termiz city” лойиҳасини курсдошим билан биргаликда бажаришга қарор қилдик. Умумий “Termiz city” худуди 25га ни ташкил қиласиди. Худуд 3 хилдагитураг-жой бинолари, мактабгача таълим муассасаси, “Business center”, “EXPO center”, жамоат марказлари, офис, меҳмонхона, спорт комплекси, Супермакет, Савдо марказлари, амфитеатр, автомобиллар учун доимий ер ости ва ер усти автотурагохлар, кўл ва ҳиёбонлардан иборат.

Ўйлаймизки ушбу лойиҳа Термиз шаҳрига мос ва хос бўлади.

### **Лойиҳавий ечим**

Тураг-жой биноларининг лойиҳавий ечимини шакиллантиришда 6, 7, 9, 10 қаватли зинапояли уйлардан ҳамда 18қаватли нуқтали уйлардан иборат турар-жой гурухларига боғланган композицион ечим танланди.

Ҳар бир кичик массив учун аҳоли сонидан келиб чиқсан ҳолда ҳамда хизмат кўрсатиш радиусларини таъминлаб, боғча биноси жойлаштирилди. Шунингдек, биноларнинг 1-2 қаватидамаҳалла марказлари, аптека, маданий -

маиший ҳамда савдо дўконлари (кичик дўкон ва супермаркет) барпо этиш ва 2 қаватли тез тиббий ёрдам поликлиника қуриш назарда тутилган.

Биноларни жойлаштиришда йўл-кўча тизимларининг шаклларига алоҳида этибор қаратилган. Жамоат маркази жойлашган коўчага 22 қаватли бизнес маркази ва 7 қаватли меҳмонхона жойлаштирилган. Уларнинг оралиғида яни марказда ўзгача монумент жойлаштирилган ҳамда унинг атрофи гўзал ландшафт ва фавворалар билан ўралган. Уйларнинг ҳовлисида болалар ва катталар учун майдончалар ташкил этилган. Худудкўкаламзорлаштирилган, ободонлаштирилган ва ер ости ва ер усти автотурагохлари мавжуд. Туарар-жой биноларининг оралиғида велосипед учун йўлаклар шакллантирилган, бу эса ўша муҳитдаги ҳаво тозалигини таъминлайди. Умуман олганда туарар-жой массивида қуришга мўлжалланган бинолар худуднинг иқлимий табиий хусусиятларини ҳамда маҳаллий архитектура ананаларига амал қилган ҳолда яратилади. Шаҳарсозлик нуқтаи назаридан эса худудда иморатлар оралиғъида ҳавонинг bemalol айланиши, биноларнинг дунё томонларига нисбатан тоўғри жойлаштирилиши таъминланади. Туарар-жой ва жамоат биноларининг ўзаро жойлашуви ҳажмий - фазовий компазициянинг имкониятларидан оқилона фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Бу эса лойиҳанинг эстетик жиҳатлари юқори даражада бўлишини таъминлаб беради. Буларни бош тархда кўрсатиб ўтилган.

### **Бош режа:**



### **Лойиҳа бўйича хисоб-китоблар:**

“Termiz city” ахоли сони 10 000, ахоли зичлиги 196 киш/га шунга кўра, бизга керак микрорайон майдони  $S = 10\,000 / 196 = 51.02$  га

Шунга кўра қабул қилинаётган турар жой бинолари турлари:

6 қаватли уйлар сони -6 та

7 қаватлиуйлар сони- 8 та

9 қаватли – 6 та

10 қаватли– 8та

18 қаватли – 3та

Қаватли турар жой биноларининг турлари бўйича, турар жой фондининг ўртача гармоник зичлиги (Кўрт.) қўйидаги формулага асосан аниқланади.

$$\text{Кўрт.} = \frac{100}{\frac{a_1}{n_1} + \frac{a_2}{n_2} + \frac{a_3}{n_3} + \frac{a_4}{n_4} + \frac{a_5}{n_5}}$$

Бу ерда  $a_1, a_2, a_3, a_4, a_5$ , - лойиҳада қабул қилинган қаватлиликдаги турар жой уйларининг умумий майдони, кичик шаҳарнинг барча турар жой уйлари умимий майдонидан фоизларда (%),  $n_1, n_2, n_3, n_4, n_5$ , - турар жой фондининг қабул қилинган бинолар қаватлигига боғлиқ бўлган

3 - жадвалдан аниқланган зичлиги, м<sup>2</sup>/га яъни;

Қ ўрт. = 5 880 м<sup>2</sup>/га

Кичик шаҳар тураг жой фонди:  $\Phi = C \times K$  ўрт.

Бу ерда,  $\Phi$  - тураг жой фонди, (м<sup>2</sup>)

C - Кичик шаҳар умумий майдони, (га)

рт. - Кичик шаҳар тураг жой фондининг ўртача

гармоник зичлиги, (м<sup>2</sup>/га)

$$\Phi = 67,1 \text{ га} \times 5 880,0 \text{ м}^2/\text{га} = 394588 \text{ м}^2$$

Тураг жой бинолари қурилмалари (%) ҳисобида.

$394588 \text{ м}^2 \times 0,22 (22\%) = 86809,36 \text{ м}^2$ , 6 қаватли уйлар тураг жой фонди (тугри туртбұрчак)

$394588 \text{ м}^2 \times 0,29 (29\%) = 114430,52 \text{ м}^2$ , 7 қаватли уйлар тураг жой фонди (Г формали)

$394588 \text{ м}^2 \times 0,22 (22\%) = 86809,36 \text{ м}^2$ , 9 қаватли уйлар тураг жой фонди

$394588 \text{ м}^2 \times 0,1 (10\%) = 39458,8 \text{ м}^2$ , 10 қаватли уйлар тураг жой фонди

$394588 \text{ м}^2 \times 0,17 (17\%) = 67079,96 \text{ м}^2$ , 18 қаватли уйлар тураг жой фонди

## БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

0 - 7 ёшлилар 14%; яъни = 1400 та

Шундан 75% боғчага борадиганлар; = 1050 та

Боғча ер участка майдони;  $2625 \times 30 \text{ м}^2 (0.003) = 3.15 \text{ га}$

## ХИЗМАТ КҮРСАТИШ РАДИУСЛАРИ:

2) Мактабгача Таълим Муассасалари- 300 - 350м

4) Жамоат марказлари - 700 - 1500м

5) Бекатлар - 400м

Гаражлар: 1 000 кишига 200 та а/машина

= 2000 та а/машина

Шундан:  $5000 \times 75\% = 1500$  та очиқ гаражда

$5 400 \times 25\% = 500$  та ёпиқ майдонда

1 та а/машина учун - 25 м<sup>2</sup>

$4000 \times 25 = 375 \text{ м}^2 (0.375 \text{ га})$

$1000 \times 25 = 125 \text{ м}^2 (0.125 \text{ га})$

*Изоҳ: Истироҳат боғи (парковка зона) ҳудуди майдони, ҳудуднинг лойиҳавий баланси жадвалнинг кўкаламзорлаштириши (25,0 га) хисобида 3/1 бўлаги, яъни 8.3га лойиҳалаштирилади.*



# **ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КҮКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ БҮЛИМИ**

**Термиз шаҳрида замонавий тураг - жой ҳудудини ободонлаштиришва  
кўкаламзорлаштиришни ташкил этиш.**

Ландшафт Архитектураси атамаси биринчи мартта АҚШда биринчи миллий боғъларнинг ташкил этилиши муносабати билан юз йилдан ортиқ вақт илгари пайдо бўлган. Европага бу тушунча анча кечроқ кирдикелиб. Аммо бу ландшафт архитектурасининг тарихи қисқа эканини англатмайди. Ландшафт архитектурасининг ривожланиш йилларини тасаввур этиши учун ландшафт архитекторлари нима билан шуғулланишини ва уларнинг бу касби архитектуранинг кенг дунёсида қандай ўринни эгаллашини тушуниш зарур.

Худудларни ландшафтли ташкил этишнинг бошланиши, ўсимликларни майший ва даволаш мақсадларида фойдаланиш ва сабзавотчиликнинг ривожланиши билан яқин боғълиқ бўлиб, у антик даврга келиб декоратив манзарали боғдорчиликка ўсиб ўтди, ўрта асрларда эса боғ-парк санъати даражасига етди. XIX ва XX аср чегараларида кенг шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги майдонларнинг ободончилик ва кўкламзорлаштириш воситалари билан архитектура режалаш ва эстетик ташкил этиш билан боғлиқ бўлган фаолият ландшафт архитектура деб атала бошлади.

Табиий мухит билан таққослаганда инсон қўли билан яратилган мухит хисобланади. Бироқ таъкидлаш жоизки, архитекторлар шакллантирадиган мухит сифат жихатидан ҳар хил бўлиши мумкин. Даставвал, бу сунъий яратилган майдонлар мухити бўлиб, улар атроф дунёдан кўп ёки оз даражада ажралгандир. Бу мухит энг хилма хил бинолар ва иншоотлардан, шу жумладан, ер ости, кўчма ва ҳ.к. иншоотлардан иборат бўлиши мумкин. Бинолар ва иншоотлар ичидағи деворлар ва тўсиклар билан беркитилган бу барча фазолар архитектурага тегишлидир.

Архитектура воситалари билан шаклланадиган мухитнинг бошқа бир тури тўсиб турувчи конструкциялар ичига олинмаган очиқ майдонлар ҳисобланади. Буларга парклар, боғ ва скверлар, кўчалар, хиёбонлар (бульварлар), умумфойдаланувчи боғлар, соҳил боўйлари, квартал (гузар) ичи фазолари, тарихий ландшафтлар ва бошқалар киради.

Очиқ фазолар диапазони жуда улкандир, ва уларнинг турлари рўйхатини чексиз давом эттириш мумкин. Очиқ фазолар мухитини шакллантириш билан ландшафт архитектура шуғулланади, яъни ландшафт архитектура - бу очиқ фазолар архитектурасидир.

Ландшафт архитектурасининг ва унинг энг мухим шохобчаси боғ-парк санъатининг ёркин, ўзига хослиги маҳсус, табиий қурилиш материаларининг:

ўсимликлар, сув, ер, жой топографиясини ҳам хисобга олган холда фойдалатилганилиги ва ҳозир ҳам фойдаланилиши хисобланади. Айнан ана шу материаллар очик фазолар муҳитини шакллантиришда ландшафт архитектурасининг асосий иш қуроллари хисобланади. Одатдаги қурилиш материаллари ҳам аҳамиятга эга бўлсада, улар шакллантирилаётган муҳитга фақат қўшимча бўлади.

Хуллас, ландшафт архитекторлари асосан табиий муҳит билан ишлайди. Айрим холларда у табиий муҳитга имкони борича кам аралашади, бошқа холларда, “сунъий табиатни” яратади, яъни архитектура ижоди натижаси сифатида юзга келувчи очик фазоларнинг тўлиқ янги муҳитини шакллантиради. Бу иккала анъана, уларнинг турлича қўшилишида, ландшафт архитектура ривожланишнинг бутун тарихи давомида намоён бўлади.

Ландшафт архитектурасининг умум қабул қилинган архитектуравий амалиёт билан таққослагандаги ўзига хос хусусияти эстетик ва эколого-инсонпарварлик асосининг бошчилик қилувчи аҳамиятидир. Бунда яратилаётган муҳитнинг функционал ва техник жиҳатлари уларнинг муҳимлигига қарамай бўйсинувчи ўринни эгалайди. Бу сифат ландшафт архитектурасининг санъатнинг бир тури, айнан боғ-парк санъати сифатида тушунилишига асос бўлди.

### **Тураг жой қурилмалари ландшафтини ташкил этишга қўйиладиган талаблар:**

Мавзе шаҳар оммавий тураг жой қурилишининг бирламчи бўлаги хисобланади, у ерда аҳолининг майший, маданий маърифий ва рекреацион эҳтиёжлари қондирилади. Мавзе тураг жой уйлари мажмуи ёки гуруҳидан кундалик маданий – майший хизмат кўрсатиш муассасалари (клублар, магазинлар, кафе, майший хизмат кўрсатиш корхоналари, болалар боғчалари ва мактаблар)дан, спорт майдонлари ва боғлардан иборат.

Мавзе ҳудудини меъморий – ландшафт ташкил этилиши аҳолининг олдидаги, жамоат, мактаб ҳудудларида ҳар кунги дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш учун кулай шароитни яратишни хисобга олган холда шаклланади.

**Тураг жойлар ҳудудини ландшафт** - рекреацион ташкил этишда сифатга эришиш учун тураг жойларни ландшафт-рекреацион ташкил этиш босқичларининг қуидаги кетма-кетлигига риоя қилиниши керак:

Лойиҳадан олдинги босқичда, қурилишни ташкил этиш ва аҳолининг ижтимоий-демографик тузилмасини (болалар, ёшлар, катталар ва қариялар) таҳлил қилиш, аҳолининг зичлигини, қурилишни фазовий ташкил этиш тавсифини, дам олиш турлари ва шаклларига бўлган эҳтиёжларни, табиий шароитлар хусусиятини, лойиҳаланаётган ҳудудларнинг санитария-гигиеник характеристкасини ва қурилиш ҳудудидаги маятникли миграцияларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш;

Лойиҳалаш босқичида дам олиш турлари ва мезонлари бўйича ҳудудни ландшафтли-рекреацион зоналаш ва ландшафт элементларидам олиш майдончалари, сув қурилмалари, ўсимликлар ва кичик меъморий шаклларни меъморий-режали ташкил этиш ўтказилиши керак. Кўкаламзорлаштириш ўсимликларини ташкил этиш очик майдонлар муҳитини ташкил этишнинг функционал, санитария - гигиеник ва эстетик омилларини ва ландшафт ташкил этишнинг анъанавий хусусиятларидан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда юз бериши керак.

Тураг жой қурилиши ҳудудини майъморий-ландшафт ташкил этилиши тураг жойларнинг максимал қулай функционал - фазовий ва ландшафт- рекреацион муҳитини юзага кўлтиришни ҳисобга олган ҳолда шаклланиши керак.

Тураг жой муҳитида қулай шароит яратиш тураг жой қурилиши сони, зичлиги ва фазовий йчими тавсифи билан боғлиқ. Аҳолининг уйлар олдидағи очик майдонлардан фойдаланиш самарадорлиги тураг жой аҳолиси сони чегараси - 1000-2000 кишига риоя қилинишига боғлиқ, бу чегарани ошириш бирлигининг вужудга келиш имконини йўқقا чиқаради ва ҳудуд назоратсиз бўлиб қолади. Икки омил функционал - фазовий ташкилот, бирламчи тураг жой ўрни характери ва унинг аҳолиси сонининг ўзаро таъсирлашуви тураг жой бинолари гуруҳини ташкил этиш усусларини аниқлашда қурилишнинг неча қаватли бўлишини ҳисобга олиш зарурлигини шарт этиб қўяди.

Янги тураг жой тузилмаларини функционал - фазовий ва ландшафт ташкил этишда қўшничилик муносабати ҳисобга олиниши керак, тураг жой қурилишнинг очик майдонларини ташкил этиш эса очик фазолар (майдонлар) иерархияси тамойили бўйича, уларнинг ўзаро боғлиқлиги эса анъанавий маҳаллалардагидек қурилиши керак.

Қўшничилик муносабатлари билан шарт қилинган тураг жой тузилмасининг очик майдонлари иерархияси ва ўзаро боғлиқлиги тураг жой тузилмаларини ташкил

этишнинг турли даражаларида қулай ландшафт-рекрецион шароитларни уч даражада таъминлаш заруриятини белгилаб беради:

Болалар ва катталар дам оладиган тинч ўйинлар (болаларнинг ўйинчоқлар билан) ва ҳаракатчан ўйинлар (кичик ёшдаги болаларнинг) амалга ошириладиган битта ёки бир нечта уйнинг рекреацион фазосида;

Мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаракатчан ўйинлари, ўсмирлар ва катталарнинг спорт ўйинлари, кичик ёшдаги болаларнинг катталар назорати остидаги ўйинлари ва барча ёш гурухлардаги аҳолининг тинч дам олиши амалга ошириладиган турар жой уйлари гуруҳини бирлаштирувчи рекреацион фазода. Бу ерда, қулайликни таъминлаш учун пиёдалар транзити ва транспорт имкониятларининг олди олиниши керак;

Катталар ҳамда ёшларнинг спорт машғъулотлари ва дам олиши амалга оширилаётган турар жой тузилмасининг умумий рекреацион фазосида турли ёш гурухлари учун аралаш дам олиш майдончалари жойлаштирилиши мумкин.

Жамоатчилик маркази турар жой тузилмасининг зарур функционал элементи ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган фазоларни ландшафт-рекреацион ташкилоти худудни болалар, ёшлар, катталар ва қариялар учун фаол ва тинч дам олиш турлари бўйича зоналашни ҳисобга олган ҳолда, шунингдик, аҳолининг дам олишнинг психико-физиологик қулайлигини белгилаб берувчи микроклиматик, санитария-гигиеник ва эстетик талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ ва соялаштирилган фазолари ва ландшафт элементлари (ёғоч бутали, тупроқни ёрувчи ўсимликлар, сув қурилмалари ва кичик меъморий шакллар)нинг рационал муносабатини ҳисобга олган ҳолда юз бериши керак.

Турар жой қурилишининг функционал - фазовий ташкилотининг оптимал варианти очиқ фазолар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги иерархияси принципи асосида яратилган модельхисобланади. Бу ерда функционал - фазовий мухит шундай ташкил этилганки, бунда аҳолида шахсий дам олиш учун - бирламчи уй олди фазоси, биргаликдаги дам олиш учун - бирламчи турар жой гурухлари ва турар жой тузилмаси ижтимоий фазосида дам олиш учун имконият мавжуд бўлсин.

Мавзе худудини ландшафт ташкил этиш қурилмаган фазоларнинг параметрларини белгиловчи қурилишни функционал-фазовий ташкил этиш билан яқин боғланган (1-чи расм).

Тураг жой тузилмасини функционал - фазовий ташкил этишнинг мазкур тамойилига риоя қилиш бирламчи тураг жой тузилмалари худудларини ландшафт-рекрацион ташкил этиш учун қулай имкониятлар яратади. Бундай ҳолда тураг жой қурилиши худудини ландшафт лойиҳалаш икки босқичда амалга оширилиши керак: лойиҳадан олдинги босқич, унга қуйидагиларни таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш киради;

Аҳолининг зичлиги; қурилишни ташкил этишнинг меъморий - шаҳар қурилиш шароитлари; Ижтимоий - демографик гурухларнинг дам олиш турларига эҳтиёжи (болалар, ёшлар, ўрта ва қари ёшдаги аҳоли); худуднинг табиий шароитлари (рельефи, сув ресурслари, ўсимликлари); худуднинг санитария-гигиеник характеристкалари (инсолация, аэрация); худудда аҳолининг пиёда ҳаракатланишлари.

Лойиҳа босқичига қуйидагилар киради: ҳудудни фаол ва тинч дам олиш турлари бўйича рекрацион зоналаш, у ерда мулоқот қилиш зоналари, тоза ҳавода сайр қилиш, ҳаракатли ўйинлар, дам оловчиларнинг ёшига боғлиқ ҳолда спорт зоналари аниқланади ва жойлаштирилади; режалаштирувчи ва фазовий ташкил этиш йўл тармоғини, болаларнинг дам олиш ва ўйнашлари учун майдончалар, ўсимликлар, сув қурилмаси, кичик меъморий шакллар, декоратив қурилмалар.

### **Тураг жой тузилмасини ландшафтини ташкил этиш.**

Тураг жой тузилмасини ландшафт ташкил этилиши қўшничилик муносабатлари, дам олиш, жамоатчилик бўш вақти ва турли иерархик даражадаги худудларда дам олишни пиёдалар учун имкони борлигининг психологик қулийлигини ҳисобга олиб режалаштирилиши керак. Масалан, шахсий дам олиш кичик боғ худудида кичик ҳовлиларда, очиқ хонадон айвончаларида ва бирламчи уй олди майдонларининг умумий ҳовлиларида ташкил этилади одатда бу ерда оила аъзолари ва кичик ёшдаги болалар катталарнинг назорати остида дам олади; кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ва қарияларнинг дам олиши уй олдидаги яrim жамоатчилик майдонларида ташкил этилади; ўсмирлар ва катталарнинг дам олиши

мавзенинг жамоатчилик майдонида ташкил этилади. Ёшлар дам олиш ва бўш вақтини турар жойдан ташқарида (шаҳар ёки туман рекреацияларида) ўтказишни афзал кўради.

Ландшафт-рекреацион фазоларнинг барча санаб ўтилган элементлари турар жой қурилиши ландшафт муҳити яхлитлигини шакллантиришда, дам олиш, мулоқот қилиш ва бўш вақтни ўтказиш муҳитнинг психологик ва физиологик қулайлигини таъминлашда ўзаро боғловчи аҳамиятга эга бўлади. Муҳитнинг қулай микроиклиний, санитария-гигиеник ва эстетик тавсияларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ландшафтни ташкил этишда ўсимликларни тўғри ташкил этиш етакчи аҳамиятга эга бўлади.

Ўрта ва катта ёшдаги мактаб ўқувчилари қуннинг қўп қисмини мактабда ўтказишади ва вазифаларини бажариш учун қўп вақт сарфлашади. Бу гуруҳдаги болалар учун ҳудуднинг бошқа компонентларидан ажратилган асосан спорт майдонлари барпо этилиши керак. Катталар ва ёшлар иш кунларини ўртача 10-11 соат турар жойларидан ташқарида ўтказишади (иш, ўқиш, маданий-маиший ва томошабоп жойларга, стадионлар ва шаҳар паркларига бориш). Аҳолининг бу гурухи мавзе ҳудудидан энг кам фойдаланади. Пенсионерлар вақтининг қўп қисмини уй яқинида ўтказишади. Уларнинг тахминан 20% мактабгача ёшдаги болалар билан, 60% и эса болаларсиз дам олишади. Улар учун уй яқинида майдончалар қурилади.

Турар жойлар қурилишида хар хил композицион-фазовий қурилмалар қўлланилиши мумкин. Шунингдек турар жой гуруҳлари, масалан, периметрал ва чизиқли композицион-фазовий қурилмалар қуриладиган ва алоҳида турган уй-жой олдидағи ҳудудларнинг ландшафтини ташкил этиши 3-4-чи расмларда кўрсатилган. Турар-жойлар майдончаларининг нормаси қўйидаги жадвалда берилган.

### **Турар жой ҳудудларига ҳар хил мақсадга йўналтирилган майдончалар жойлаштириш**

<b>№</b>	<b>Майдончалар турлари</b>	<b>Нормативлар</b>
<b>1</b>	Болалар майдончалари	0,55 - 0,7 м <sup>2</sup> /к.
<b>2</b>	Кичик ёшдаги ўқувчилар учун	0,2 м <sup>2</sup> /к.
<b>3</b>	Мактабгача ёшдаги болалар учун	0,35-0,5 м <sup>2</sup> /к.
<b>4</b>	Спорт майдончалари	1,00 м <sup>2</sup> /к.
<b>5</b>	Дам олиш майдонлари	0,2 м <sup>2</sup> /к.

<b>6</b>	Хўжалик майдонлари	1.00 м2/к.
<b>7</b>	Йўлаклар	10 %
<b>8</b>	Кўкаламзорлаштирилган майдонлар	30 %

Тураг жой ҳовлилари ҳудудида аҳоли дам олиши учун мўлжалланган майдончалардан ташқари ҳар хил мақсадларга йўналтирилган хўжалик майдончаларини ҳам лойиҳалаш керак (кирларни қуритиш учун, гилам қоқиши учун, ахлат йиғиш қурилмалари учун). Ахлат йиғиш майдончалари уйларда ахлат қувурлари бўлган тақдирда ҳам лойиҳаланади. Бундай ҳолларда улар квартал ичидағи йўл ва йўлаклардан йигиладиган йирик ахлат йиғиш вазифасини ўтайди.

Тураг жой қурилишида маданий-маиший ва савдо муассасалари, мактаблар, боғчалар ва бекатларга энг қисқа ва қулай етишни таъминловчи йўл-транспорт тармоғи ҳам ўрин эгаллаши лозим.

Тураг жой ташқи муҳитининг микроиклимий қулайлигининг асосий шарти ҳудуднинг соя тушиш ва ҳаво алмашиши тартибини ҳисобга олган энг оптималь ландшафт элементларини фазовий ташкил этиш ҳисобланади. Бу борада маҳаллий иқлим шароитида очиқ ва соя муҳитларнинг тўғри нисбати ҳисобга олиниши лозим (дарахтлар ва соябонлар, перголалар ва бошқалар билан). Тураг жой ҳудудларини ландшафт ташкил этишда кўкаламзорлаштириш принципларини билиш шарт. Шунинг учун дараҳтларнинг соялантириш режимини ва ландшафт элементларини жойлаштирилишини олиш керак (5-чи расм).

Яшаш ҳудудларига яшил ўсимликларни шундай жойлаштириш керакки, кўкаламзор ҳудудларда ҳаво алмашиш имконияти бўлсин. Ҳаво айланишига тўсқинлик қилувчи баланд яшил экинлар билан ўралган ўтлоқлар, майсазорлар, ҳиёбонлар яратишида тескари натижа ҳосил бўлиши мумкин, яъни кўкаламзорлаштирилган ҳудудларда ҳарорат юқори бўлади.

Тураг жой ҳудудларини шаҳар ички йўларини кўкаламзорлаштириш ва катта кўчалардан қуюқ дараҳтлар ва буталар экиб ажратиш лозим.

Ахлат йигиладиган хўжалик майдончалари ўраб турган ҳудуддан ажратилиши ва бутун кун давомида қалин дараҳт ва буталар экиш билан соя этилиши лозим. Чойшаб қуритилишига мўлжалланган хўжалик майдонларига шундай жой танлаш керакки, бутун кун давомида қуёш тушиши ва яхши ҳаво айланиши лозим.

Болалар, спорт майдончалари ва дам олиш майдончалари атроф ҳудуддан уларда ҳаво яхши айланишини ҳисобга олган ҳолда ажратилади. Шунинг учун бу майдончалар атрофига панжарасимон буталар ва дараҳтлар экилади.

### **Тураг жой ҳудудлари йўлларини ландшафт элементларини ташкил этиш:**

1 - перголалар, 2 - утириш жойлар, 3 - сувли ариклар, 4 - гуллар, 5 - газонлар, 6 - дараҳтлар.

### **Тураг жой ҳудудларини дараҳтлар ва буталар билан кўкаламзорлаштириш мисоллари**

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари майдончаларида болалар чўмилиш бассейнлари, болалар майдонлари ҳисобига кирмайдиган майдонлар жойлаштириш мумкин. Баъзи ҳолларда мактабгача ва кичик ёшдаги, яъни 9-13 ёшгача мактаб ўқувчилари учун умумий комплекс майдончалар қўллаш мумкин. Бундай майдончалар ўлчамлари 350-400 м бўлади (жадваллар).

### **Болалар комплекс майдончаларини ўлчамлари**

Болаларнинг ёшга кўра грухси	Минг кишига майдонлар сони	Майдонлар ўлчами, м
Боғча ва мактабгача ёшдаги (7 ёшгача)	2	150-200
Кичик мактаб ёшидаги (7дан 13 ёшгача)	3	200-250

Кичик ёшдаги мактаб щқувчилари ва боғча ёшидаги болалар майдонларини бирлаштириш тавсия этилмайди. Боғча ёшидаги болалар майдончасини катталар дам олиш майдони билан бирлаштириш мумкин.

### **Болалар боғчаларининг ва мактаб ҳудудини ландшафтини ташкил этиш.**

Болалар боғи ҳудудида қуйидаги зоналар жойлаштирилади: болалар боғи, ўйин майдончалари мавжуд бўлган ёзги айвон, яшил экинлар, хўжалик ҳудуди, йўллар, йўлаклар.

Икки грухга мўлжалланган айвонли майдончалар болаларнинг асосий вақтини ўтказадиган, шунингдек уларнинг организмини тоблаш ва дам олишини ташкил этиш учун мўлжалланган. Майдончани шундай лойиҳалаш керакки, тарбиячилар ҳар қандай вақтда болалар нима билан шуғулланаётганини қўриб туриши лозим. Ҳар хил грухдаги болаларнинг ўзаро алоқасига йўл қўймаслик учун ҳар бир майдончани бошқалридан яшил экинлар билан ажратилади (жадв.).

### **Грух майдончалар ҳудудини қуйидаги зоналарга ажратиш**

Зона	Болалар ёшига қараб зона ўлчамлари	
	3 ёшгача	3 дан 7 ёшгача
Соябон	32	32
Жисмоний тарбия скуналари ва	20	50
Гурух ўйинлари	50	55
Ўум майдончаси	15	15
Тинч дам олиш	33	28

Соябонлар гурух машғулотлари ва фаол ҳаракат талаб қилмайдиган (китоб ўқиши, қўғирчоқ ўйнаш) ўйинлар учун мўлжалланган. Тинч дам олиш худудида болалар скамейкалари ва столлари жойлашган “яшил чўнтаклар” қўлланилади. Майдончада соябондан ташқари қум майдончаси бўлиши керак. Майдончада болалар фантазиясини ривожлантирадиган ва осон йиғиладиган ускуналар катта аҳамиятга эга.

Умумий майдонларни 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун қурилади. Унга жисмоний тарбия майдони, тирик бурчак, полиз, мевали боғ, чўмилиш ҳовузи, велосипед учиш учун ҳалқасимон йўлак ва ҳ.к. киради. Жисмоний тарбия майдони ( $250\text{ m}^2$ ) тирмашиб чиқиш, волейбол, баскетбол, сакраш ва бошқа ҳаракатчан ўйнилар ускуналари билан жиҳозланади. Тирик бурчак ( $20\text{ m}^2$ ) боғчанинг хўжалик худудига яқин жойлаштирилади. Бу ерда қуён, товуқ, ва бошқа кичик ҳайвонлар учун қафаслар жойлаштирилади. Полизга жануб томондан соя тушмаслиги керак. Жўяклар иложи борича шарқдан ғарбга қаратаб жойлаштирилиши лозим. Полизни карам, помидор, илдизмевали экинлар учун худудларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Жўяклар эни 1 м, узунлиги 3 м. Болалар боғи ландшафтини ташкил этиш 8-чи расмда келтирилган.

Болалар боғчаси худуди периметри бўйлаб буталар 2 қатор тирик панжара қилинади ва эни 5м дан кам бўлмаган чизиқда дараҳт қатори экиласди. Умумий фойдаланишга мўлжалланган майдончалар атрофидаги дараҳтлар ҳаво айланиши ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилади. Дараҳт ва буталар шундай жойлаштирилиши керакки, майдон худудининг катта қисмига (55%) кун давомида қуёш тушиши лозим. Дараҳт ва буталар боғча биносига соя қилмаслиги керак, шунинг учун дараҳтлар бинога 10м дан яқин экилмайди, буталар эса 5 м дан яқин экилмайди. Дараҳтлар йўлак четидан 1м узоқликда экиласди.

Гулзорлар асосан майдон ва биноларнинг кириш қисмига шунингдек, бино ва халқа йўли ўртасида йўлак қилиб жойлаштирилади. Ҳар бир гуруҳ майдончалари атрофига гулпушталар экиш тавсия этилади. Гулзорларга кўйиллик гуллар (попукли флокс, пион, дельфиниум, аквилегия, рудбекия ва х.к.) ва узок гуллайдиган бир йиллик гуллар (хитой астраси, антириум, петуния, цинния, кларкия, портулак, космeya ва б) экиш мақсадга мувофиқ.

Хўжалик ҳовлиси ҳудуд чегарасига бевосита туташган бўлиб, бошқа ҳудудлардан хатто болаларнинг бехосдан кириб қолишига йўл қўймайдиган даражада ажратилиши лозим. Хўжалик ҳовлиси ахлат йиёиш қурилмалари, кир қуритадиган майдончалар ва хўжалик омборидан ташкил топади.

Йўллар эни 3,5 м ва 12x5,5 м ли орқага бурилиш майдончаси билан лойиҳаланади. Уларни бино бўйлаб энг қисқа масофада ва фасад қисмидан 8м узоқликда лойиҳаланади. Бинодан болаларни гуруҳ майдончаларига ва гуруҳ майдончалардан умумийга ўтиши учун 1-1,5 м ли йўлаклар ётқизилади. З ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар майдончалари ўзаро велосипед учиш учун мўлжалланган ҳалқа йўлак билан боғланади. Йўлаклар қаттиқ бўлмаган қопламалар билан қопланади (ғишт, қум, шағал, гравий, майда гравий ва х.к.).

### **Мактаб ҳудудини ландшафт ташкил этиш**

Мактаб ҳудуди қизил чизиқдан камида 15 м узоқликда алоҳида жойларга жойлаштирилади. Мактаб ҳудуди чегарасидан тураг уйлар деворигача масофа агар кириш мавжуд бўлса, 10 м, агар кириш бўлмаса 5 м дан кам бўлмаслиги керак.

Ҳудуд қулай шаклда, яххиси тўртбурчак шаклида бўлиб, ён атрофидаги ҳудудлардан панжара ва буталар билан ажратилади. Мактабга йўллар энг қисқа йўналиш бўйлаб лойиҳаланади. Ҳудуд кўча билан маҳсус йўл ёки тураг уйларни шаҳар йўли билан боғловчи квартал ички йўли билан боғланади.

Мактаб ҳудуди ландшафтини ташкил этишда бино жойлашиши катта аҳамиятга эга. Бинони ҳудуднинг бир томонига жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу горизонтал текислик керак бўладиган спорт ва бошқа майдонлар жойлаштириш учун қулай. Мактаб ландшафтини ташкил этиш 4 асосий функционал зоналашга асосланиб (кириш, дам олиш, ўқув-тажриба, хўжалик) лойиҳаланади.

Кириш ҳудуди йиғилишлар ўтказиладиган майдонни ўз ичига олади. Рекрятия ҳудуди энг катта ҳудуд ҳисобланиб, унга фаол ва тинч дам олиш ҳудудлари киради. Фаол дам олиш ҳудудига кичик ва катта ёшдаги мактаб ўқувчилари дам олиши, спорт ҳудуди киради. Спорт ҳудудига эса футбол майдони, кичик ва катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун спорт майдонлари тўплами киради. Тинч дам олиш ҳудуди дам олиш бурчаклари мавжуд бўлган истироҳат боғчаси кўринишида лойиҳаланади. Ўқув-тажриба ҳудуди ўз ичига мевали боғ, полиз экинлари ва сабзавотлар учун, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун тажриба участкалари, иссиқхоналарни олади.

### **Мавзе лойиҳасининг ободонлаштириш ва ландшафт ташкил этиш лойиҳаси.**

Мен лойиҳалаштираётган турар жой мавзеси Сурхондарё вилояти Термизшаҳрининг марказида жойлашган бўлиб, асосан экинзорлардан ташкил топади. Шу сабабдан, ушбу ҳудуд лойиҳасини бажаришда ечимлар яхлит композицияга асосланиб ҳал этилади. Бунда ҳудудга бўш ер сифатида қаралади. Ҳозирги кунда ҳудуд майдони 80га ни ташкил этади.

Лойиҳаланаётган мавзеда1 та боғча бинолари ташкил топади. Жамоат Маъмурий бошқаруви ва савдо-маиший обектлар асосан шу турар жойларнинг 1-2 қаватларида жойлашади.

Мен бу Мавзе лойиҳасида ҳудудни 40 % ни қурилишга 60% ни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳудудларига ажратдим. Чунки ҳозирда ҳар хил заарли газларнинг атмосферага чиқарилиши, оддийгина, бизнинг кундалик юмишларимизда анчагина қулайлик яратётган машиналарнинг қанчалар атмосферани заарлаётгани кўриб турган ҳолда ва шу сабабдан табиий кислород муаммоси кўтарилилган бир пайитта бу лойиҳа анча самарали фойда беришини кўзда тутдим.

# **ХУДУДНИ МУҲАНДИСЛИК ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТРАНСПОРТ БЎЛИМИ**

## **Термизшахрида замонавий турар - жой худудини муҳандислик ташкил этиш**

Шаҳарларда муҳандислик тармоқлари муҳандислик коммуникацияларидан, уларга ҳизмат қилувчи иншоотлардан ва турли ёрдамчи қурилмалардан иборат мураккаб тизимни ташкил қиласди. Муҳандислик тармоқлари ер ости ва ер усти турларига бўлинади (ўз навбатида ер усти тармоқлари икки ҳил бўладибевосита ер устида жойлашган ва ердан кўтарилиган ҳолатда. Баъзи ҳолатларда ер устида тармоқлар жойлаштириласди. Бирок бу лойиха турар-жойларда меъморий композицияни бузади). Шаҳар ер ости тармоқлари шаҳарни муҳандислик ободонлаштиришнинг асосий элементларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шаҳар эр ости тармоқлари шаҳар аҳолисини, маданий-маиший муассасаларни, саноат корхоналарининг талабини қондириш учун ҳизмат қиласди.

Муҳандислик ободонлаштириш шаҳарсозлик ишларининг катта қисмини ташкил қиласди. Шаҳарнинг бош режасини лойихалашда шаҳар худудни муҳандислик тайёрлаш ва ободонлаштириш буйича жуда куп ва ута муҳим масалалар кундаланг булади, булар: вертикал режалаш ва сувни қочириш; жарликлар, кўчкили, сув босадиган ва ботқоқли жойларни ўзлаштириш ва ободонлаштириш, қуруқ-иссиқ минтақаларда жойлашган шаҳар худудини сув билан таъминлаш ва суғориш, зилзилавий ва доимий музликлар билан қопланган районларни шаҳар қурилиши учун ўзлаштириш; транспорт ва пиёдалар йўлларни, автомобил тўхташ жойлари ва хўжалик майдонларини жойлаштириш; кукаламзорлар, декоратив ва спорт аҳамиятига эга кичик сув иншоотларини барпо этиш; дарё ва сув омборлари қирғокларини ободонлаштириш; спорт иншоотларини ва кичик меъморий шаклларни қуриш; кўчалар, майдонлар ва шаҳарнинг бошка жойларини сунъий ёритиш; эр ости коммуникация тармоғи ва сув таъминоти, канализация, электр, иссиқлик ва газ таъминоти тизимининг шаҳар ривожланиши истиқболини кўзда тутган ҳолда узлуксиз равишдаги фаолияти тушунилади. Сув таъминоти тизимига сувни манбаъдан олувчи иншоотлардан тортиб, уни тозалаш, заҳирада сақлаш ва истемолчига етказишгача бўлган барча иншоотлар мажмуаси киради. Сув таъминоти тизими бир қанча кўрсаткичлар билан турланади. Лойихаланаётган худуд туман маркази бўлганлиги сабабли у ерда маъмурий бинолар, кичик корхоналар ўкув муассасалари, бизнес марказалар, спорт

комплекслари, кафе ресторанлар, парк-боғ ҳудудлари, даволаш муассасалари, маданий - майший ҳизмат кўрсатиш марказлари,офислар театр, санъат сароийи, супер маркетлар, меҳмонхоналар ва бошқа шу кабилар мавжуд. Аҳолини иш шароитини ва яшаш шароитини ривожлантиришда муҳандислик тармоқлари муҳандислик коммуникацияларидан, уларга ҳизмат килувчи иншоотлардан ва турли ёрдамчи қурилмалардан иборат мураккаб тизимни ташкил қиласди.

Ер ости тармоқларига - қувур тармоқлари, кабеллар ва коллекторлар киради.

Физик-геологик жараёнлар ташқи сувларни қочиришни ёмонлаштирувчи, сизот сувларининг сатҳини ошишига ва ботқоқликларни пайдо бўлишига сабаб бўлувчи шаҳар ҳудудида рельеф сирти ва шаклини ўзгаришига олиб келади.

Физик-геологик жараёнлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Шаҳар ҳудудини атмосфера ёғинлари ва дарёларнинг тошиши натижасида сув босиши;
- Сизот сувлари таъсирида шаҳар ҳудудининг ёмонлашуви;
- Шаҳар ҳудудида жарликларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ривожланиши;
- Кўчкilar, жарликлар;
- Шаҳар тарафга йўналган сел оқимлари;
- Шаҳар ҳудудида карст ва чўкиш ҳодисалари;
- Рельефнинг сув ва шамол эрозияси таъсирида бузилиши ва х.к.

Муҳандислик тайёргарлик ишлари табиий шароити ноқулай ҳудудларни қурилиш учун мослаштириш эвазига шаҳар ҳудудидан самарали фойдаланиш учун ҳизмат қиласди. Бу билан, кўча-йўл тармоғи, жамоат транспорти ва ер ости коммуникация тармоқлари қисқаради.

Муҳандислик тайёргарлигининг аниқ масалалари ҳудудни танлашда, шаҳарни лойихалашда текҳник-иқтисодий асоснома ва унинг бош режасини ишлаб чиқиша аниқланади.

Ҳудудни муҳандислик тайёрлашда қуйидаги асосий қурилиш ишлари бўлиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ер ишлари;
- ташқи (атмосфера) сувларини қочиришнинг очик ва ёпиқ сув қочиргичларни қуриш;

- сизот сувларини пасайтириш мақсадида дренаж тизимларини қуриш;
- худуд сиртини мувозанатда сақлаш мақсадида қуриладиган иншоот (тиргак девор, дамба ва ҳ.к.) лар;
- жарлик ва силжиш мавжуд бўлган ҳудудларда қияликларни вертикал режалаш ёрдамида кучайтириш ва ҳ.к.

Ҳудудда табиий шароитларнинг таъсири даражаси ва муҳандислик тайёргарлиги ишларнинг мураккаблигидан келиб чиқсан ҳолда лойиха (ҳарита)ларнинг таркиби ва миқёси қуидаги чегарада аниқланади 1:10000- 1:25000 (кичик шаҳарлар учун 1:5000).

Лойиха таркибига қуидагилар киради:

- ҳудудни сув босиши мумкин бўлган чегараларини, грунт шароитларини, сатҳи юқори бўлган сизот сувлари мавжуд майдонлар, жарликлар, силжиш ва бошқа табиий шароитлар кўрсатилган муҳандислик- геологик ҳарита;
- қурилиш учун ноқулай ҳисобланган, силжиш, қарст ва бошқа жараёнлар мавжуд майдонлар кўрсатилган ҳудудларнинг схемаси;
- асосий бажарилиши лозим бўлган, кетма-кетлиги кўрсатилган шаҳар ҳудудини муҳандислик тайёрлаш схемаси.

### **Силжиш**

Республикамизнинг кўпгина ҳудудларида силжиш ҳодисаси қайд этилади.

Силжиш - водийларда, тоғ ён бағирларида ва умуман, нишаблиги сезиларли жойларда зилзила ёки бошқа турдаги динамик таъсирлар натижасида ер массасининг ўпирилишидир.

Силжиш жараёнини ҳосил қилувчи сабалар иккига бўлинади:

пассив - қияликларнинг геологик тузилиши ва жойнинг рельэфи, қияликнинг нишаблиги;

жадал - ташқи ва сизот сувлари, атмосфера ва сейсмик ҳодисалар ҳамда силжиш жараёнини жадаллаштирувчи инсон фаолияти (қияликларнинг бинолар таъсирида зуриқиши, қияликларни кесиш ва ҳ.к.)

Силжиш мавжуд ҳудудларда муҳандислик тайёргарлигининг вазифалари.

Силжувчи қияликларда шаҳарсозликнинг асосий вазифалари куидагилардир:

- а) силжувчи қияликнинг мувозанатини таъминлаш, яъни таъсир қилувчи барча кучларнинг мувозанатини сақлаш;
- б) силжувчи қияликлардан шаҳарсозликнинг бирор максадларида фойдаланиш.

### **Силжишга қарши қулланиладиган чора тадбирлар**

Силжишга қарши қулланиладиган асосий тадбирлар қуидагилардир:

- а) силжиш ҳавфи бор жойларда ташқи сувларни қочиришни ташкил этиш (вертикал режалаштириш ёрдамида);
- б) очиқ ва ёпиқ дренажлар тизимлари ёрдамида сизот сувларни қочириш (сув қочиргич ва дренаж тизимини утказиш ёрдамида);
- в) нишабликларни чегаралаш, оқар сувлардан ҳимоялаш (худудни қуритиш эвазига);
- г) нишабликларни текислаш ва кўкаламзорлаштириш;
- э) силжувчи массани сунъий равишда мустаҳкамлаш (грунтни қуидириш ва ҳ.к. усуслар ёрдамида);
- ж) силжувчи грунт массасини ушлаб турувчи тиргак деворлар қуллаш.

### **Шаҳарлар худудини суғориш**

Йилига 250 мм дан кам ёғин ёғадиган жойлардаги ерлар сунъий равишда суғорилади.

Шаҳар суғориш тизими қадим давлардан Миср, Хитой ва Марказий Осиёда худудуларида қулланиб келинган. Ҳозирги кунга келиб Европанинг Испания, Франция, Италия ва Россия Федерациясининг қуи Поволийя, Украина нинг бир қисми, шу каби қатор давлатларда суғориш тизими қулланилмоқда.

Шаҳар худудида фаолият кўрсатадиган ариқлар тизими шаҳарнинг бош режаси асосида тузилган бўлиши шарт. Бунда ариқларга қуиладиган асосий талаб уларнинг табиий оқимини таъминлашдан иборатdir. Шаҳар суғориш тармоқларининг таснифиқийидагичадир:

### **Шаҳар суғориш тизимининг таснифи**

Суғориш тизимининг тоифаси	Фаолият кўрсатиши	Умумий хусусиятлари	Асосий ҳисоблаш кўрсаткичла
----------------------------	-------------------	---------------------	-----------------------------

1	2	3	4 ри
Шаҳар ташқарисидаги каналлар	Йирик шаҳарлар ва йириклашган туманлар ўртасида сув таъминотини таъминлашга ҳизмат кўрсатиш	Дарё, кўллар, булоқлар, сунъий сув ҳавзалари ва х.к.	
Шаҳар худудидан ўтадиган асосий каналар	Шаҳар худудига керак бўладиган миқдордаги асосий сув ҳажмини сув манбаларидан олиб, шаҳар худудини сув билан та"минлаш	Шаҳар худудидаги сувга бўлган асосий истеъмолчилар. Яшилзор худудлар, истироҳат боғлари ва бошқа истеъмолчиларга сувни узатиш мақсадида фаолият кўрсатиб, уларнинг жойлашиши умум шаҳар ва туман миқёсига эга бўлган шаҳарнинг асосий кўчалари бўйлаб рельефнинг ҳусусиятига қараб жойлашади	Q - шаҳар худуди ҳисоби бўйича талаб қилинадиган сув миқдори; W, и, н, Q1-арик қурилмаси учун қўлланиладиган коэффициентлар ва миқдорлар;
Тарқатувчи кўча суғориши тармоғи	Шаҳар худудига керакли миқдордаги сувни кўча суёриши тармоғи сифатида сувни шаҳарнинг асосий каналидан олиб узатади		
Худудий кўча суғориши тармоғи	Тармоқ шаҳар ҳудудининг умумий суғоришига ҳизмат қиласди		
Суғориши ва худуддаги сувларни қочириш ариклари	Шаҳар худудидаги турар жойларни, истироҳат боғларни, ҳиёбонларни ва бошқа туркумдаги яшилзор майдонларни суғоришига ҳизмат қиласди	Махаллий ва турар жой кўчалари бўйлаб жойлашган ва ушбу кўчалар буйлаб экилган кўкаламзор ва дараҳтзорлар илдизини керагича миқдорда намлашга ҳизмат қиласди	Q, W, и, н - суғориладига н ҳудуд майдонини белгиловчи кўрсаткичлар
Сув қочириш тармоқлари	Шаҳар ҳудуди юзасида пайдо бўладиган қор ёмғир сувларини шаҳар ташқарисига олиб чиқади. Шу сабабдан ҳам ушбу тармоқлар бутун шаҳар ҳудуди буйлаб жойлашади.	Шаҳар ҳудуди рельефининг нишаблигига қараб лойиҳаланади ҳамда турли тоифадаги шаҳар кўчалари буйлаб жойлашади	Qсб, Q1, W, и, н – суғориладига н ҳудуд майдонини белгиловчи кўрсаткичлар

### Шаҳар худудини вертикал режалаштириш

Жойнинг реьефи эҳса топографик ҳариталарда текисликни горизонтал текислик билан кесганда ҳосил бошлган проекциясини акс эттирувчи режадаги горизонталлар билан кўрсатилади. Ҳар бир горизонтал қабул қилинган сатҳ (одатда, денгиз сатҳи)га нисбатан маълум бир баландликни билдиради.

Горизонталларни акс эҳттирувчи режа шаҳарсозлиқда режалаш ва қуриш ложиҳаси учун ҳамда кўпгина бошқа турдаги муҳандислик масалаларини ечишда асос бўлиб ҳизмат қиласи.

Белгилар. Режа горизонталлари оралиқларидағи белгиларнинг ҳақиқий аниқлиги, қидиралётган нуқтанинг иккала горизонталга туғри чизиқли перпендикуляр ўтказиб, интерполяциялаш натижасида аниқланади.

Лойиҳа-режа ишларини бажаришда, баъзида қўшимча рельеф чизиқлари ўтказиш билан рельефни янада майдалаштириш талаб этилади. Рельефни янада аниқлигини оширишга, унинг орасидан сунъий равишда қўшимча рельефлар ўтказиш билан эришиб бўлмайди. Бундай ҳолатда албатта жой учун қўшимча нивелирлаш ишлари ёки бошқа маълумотлар зарур бўлади. Баъзи ҳолларда, ҳудудни дастлабки тажёрлаш босқичида режада рельеф йириклиштирилади. Бунда, масалан, 0,5м ўтказилган горизонталлар орасидан биттадан горизонтал олиб ташланади. Бундай режа жожнинг фақатгина ҳарактерли шакллари ҳақида тасаввур беради.

### **Вертикал режалаштириш ва унинг вазифалари.**

Вертикал режалаштириш ҳудудни қурилиш, режалаш, қуриш ва ободонлаштириш талабларидан келиб чиқсан ҳолда табиий рельефни қайта шакллантириш, ўзгартириш ва мослаштириш ишларини узида мужассамлаштиради. Вертикал режалаштириш маҳсус тузиладиган лойиҳалар асосида тупроқни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш билан амалга оширилади.

Ҳудудни муҳандислик тайёрлаш ишлари вазифаси барча талаблардан келиб чиқсан ҳолда рельефнинг энг мақбул ечимини топишдан иборатdir. Вертикал режалаштириш материаллари шаҳар ҳудудида кўчалар, бинолар, ер ости коммуникациялари ва бошқа турдаги иншоотларни лойиҳалашда релиеф ҳакида дастлабки маълумот ҳисобланади.

Вертикал режани лойиҳалаш ва уни амалга оширишда иккита кетма-кет босқични кўрсатиш керак: биринчиси- ҳудудни муҳандислик тайёрлашга тегишли бўлиб, унда ҳудуд рельефини умумий ҳолда ташкил этиш ва уни қурилишга тайёрлаш масалалари ҳал эҳтилади, иккинчиси - ҳудудни режалаштириш, қуриш ва ободонлаштириш бўлиб, бу босқичда микрорельеф лойиҳаланиб, бинолар,

иншоотлар, кўча ва йўллар ва шаҳар ҳудудининг бошқа элементларининг белгилари қўйилади.

Ноқулай шарт-шароитлар ва жараёнларни бартараф этиш билан боғлик тадбирларда вертикал режалаштиришнинг роли қўйидаги ҳолатларда ўринлидир, хусусан:

\*шаҳар ҳудудини қучли ёмғирлар ёки сув манбалари таъсирида сув босишида ҳамда сув омборлари иншоотларидан шаҳар ҳудудини ҳимоя қилиш ҳудудни вертикал режалаштириш вазифасига кирувчи дамбалар қуриш ёки ҳудуд сатхини кўтариш эвазига амалга оширилади;

\*ҳудудни сизот сувлари таъсирида сув босишидан сақлаш, дренаж тизими ёрдамида ёки майдон сатхини вертикал режалаштириш ёрдамида амалга оширилади;

\*шаҳар ҳудудида ботқоқликлар мавжуд ҳолларда уларга қарши курашнинг асосийларидан бири вертикал режалаштириш бўлиб, у ёрдамидатуриб қолган сувларнинг оқим йўналиши режалаштирилади ва ташқи сувларни қочириш учун шароит яратилади;

\*чўл ва ярим чўл зоналарда ҳудудни сунъий суғориш мақсадида суғорилаётган майдонларга сув ўз оқими бўйлаб вертикал режалаштириш асосида амалга оширилади;

\*жарлик мавжуд ва жарликлар ривожланаётган ҳудудларда вертикал режалаштириш ёрдамида жарликлар қияликларини ювиб кетувчи ташқи сувларнинг йўналиши ташкил этилади, ҳамда жарликларни тугатиш уларни кўмиш орқали амалга оширилади;

\*кўчкили ҳудудларда кўчкиларни олдини олиш тадбирларига ташқи сувларни қочиришни ташкил эҳтиш орқали вертикал режалаштириш иштирок эҳтади;

\*шаҳар ҳудудида қарст жараёнлари мавжуд ҳудудларда қарст натижасида вужудга келган воронкаларни ташқи сувлардан сақлаш ва уларни йўъқотиш бўжича вертикал режалаштириш ҳудудни текислаш мақсадида қўлланилади.

Вертикал режалаштириш ва уни амалга ошириш у билан боғлик бўлган тадбирлар мажмуаси билан биргаликда қўлланилганда мақсадга мувофиқдир, булар: ер ости сув қочириш тармоқларини ўрнатиш билан ташқи сувларни

қочириш; сизот сувларининг сатҳи баланд бўлган ҳолларда дренаж тармоқларидан фойдаланиш; жарлик ва кўчкили ҳудудларда тиргак деворлар ўрнатиш ва х.к.

Рельеф ва унинг вертикал режаси кўпгина шаҳарсозлик масалаларини ечишда бевосита ёки билвосита ўз таъсирини кўрсатади, ҳусусан:

\* шаҳарнинг умумий меъморий-режавий композицияда, унинг туманлари, мажмуалар, майдонлар ва ахолидаги бино ва иншоотларнинг жойлашувида ҳудуд рельефининг ҳусусий шаклларидан келиб чиқсан ҳолда фойдаланиш;

\* шаҳар ва унинг туманларини қуришда, бино ва иншоотларни микрорайонлар ва турар-жой кварталларида жойлаштириш ҳусусиятидан келиб чиқсан ҳолда рельеф ва унинг шаклларини ҳамда вертикал режалаштиришни инобатга олиш;

\* ишлаб-чиқариш технологиясидан келиб чиқсан ҳолда саноат корхоналарини жожлаштириш ва одатда минимал нишабликларга эга текис сиртларни талаб қилувчи мажdonларни жойлаштириш ва ҳ.к. ҳолатларда.

Шаҳар ҳудудини вертикал режалаштириш вазифаларига қуидагилар киради:

а) шаҳар ҳудудларидан, кўчалардан ташқи (атмосфера) сувларини керакли нишабликлар ва шаҳар сув қочиргич коллекторлари жўналишларида қочиришни ташкил эҳтиш;

б) шаҳар кўча ва йўлларини зарурий бўйлама нишабликлар билан та"минлаган ҳолда, уларда шаҳар транспорти ва пиёдаларнинг ҳавфсиз ҳаракатини ташкил эҳтиш;

в) турар-жой кварталларини, микрорайонларни, алоҳидаги бино ва иншоотларни қуриш талабларидан келиб чиқсан ҳолда қурилиш майдонлари рельефини қайта шакллантириш ва қурилишга мослаштириш;

г) шаҳар эр ости муҳандислик тармоқларини ўтказилишини таъминлаш учун қулай рельэфни яратиш;

д) нодир обьектларни жойлаштириш учун рельеф ва уни вертикал режалаштириш бўжича маҳсус вазифаларни эчиш (бинолар гуруҳи, стадионлар, аэйродромлар ва ҳ.к. ларни лойиҳалашда).

Лойиҳа- режалаштириш ишларининг барча босқичларида вертикал режалаштириш ўз ифодасини топади.

Шуни назарда тутиш лозимки, қадими шаҳарларнинг ҳудудларида пастқам жойлар турли вақтларда турлича бино ва иншоотлар қурилиши натижасида ҳар ҳил

чанг, тупроқ, чиқинди ва ҳ.к.лар билан тўлиб бориб, бу жойларда грунтнинг «маданий қатлам» деб аталувчи қатлами ҳосил бўлган.

Вертикал режалаштириш жараёнида маданий қатламни сақлаш, кўкаlamзorлаштириш учун жуда муҳимдир. Бу ўз навбатида, табиий рельеф шароитида бино ва иншоотларни сақланган кўкаlamзor ичида ландшафт режалаштириш асосида жойлаштиришга имкон беради ва биноларни режалаштиришда бир ҳилликдан ҳалос қиласи.

Вертикал режалаштириши амалда қўллаш маҳсус тузилган лойиҳаларга асосланади. Вертикал режалаштиришда лойиҳалашнинг асосиж усувлари, қўйидагилардир:

- Лойиҳавий профиллар усули;
- Лойиҳавий (қизил) горизонталлар усули;
- графоаналитик усувлар.

### **Термиз шахри замонавий Термиз Сити лойиҳасининг транспорт бўлими**

Шаҳарсозликда транспорт тизими алохида ўрин тутади. Транспорт тизими шаҳар аҳолисининг актив хаётини таъминлайди ва унинг самардорлигин оширади. Акс холда транспорт тизимисиз айниқса хозирги кунда шаҳар хаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Транспорт ва пиёдалар харакатини лойиҳалаш ва уни ташкил этиш - шаҳарнинг меъморий - лойиҳавий эчимида асосий муаммолардан биридир. Шаҳарнинг лойиҳавий таркибида кўча-йўл тармогини оқилона эчимини топиш бирламчи масаладир. Кўча тармогининг эски шакллари замонавий шаҳарсозликка мос келмайди: кичик кварталларни чегаралаган кўчаларда чоррахаларнинг кўплиги, транспорт оқимини утказишни камайтиради, қийинлаштиради. Марказий туманларда мамурий-жамоат ва савдо биноларининг хаддан ташқари кўплиги катта миқдордаги аҳоли ва траспортни у эрга келиши сабаб бўлиб, уларнинг харакатини ташкил этишни қийинлаштиради.

Мен лойиҳалаштираётган замонавий кичик тураг-жой мажмуаси лойиҳаси Термиз шахридаги аҳамиятли кўчаларнинг кесишган жойида жойлашган. Шунинг учун келажакда ушбу йўлни ҳам шаҳарсозлик меъёрлари қоидаларига мос келадиган қилиб таъмирлашни таклифини бераман. Ҳимоя ҳудудида яъни кўча ва тураг жойлар орасидаги масофа оралиғида яшил кўкаlamзorлаштириш ҳудуди

жойлаштирилиши керак. Бунда автоуловлардан чиқадиган ҳар хил заарли газлардан ва шоувқундан ҳимоя қилиш асосий мақсаддир. Асосан арча ва сосна дарахтларини экишни лойиҳалаштиридим, чунки, маълумки арча ва сосна карбонат ангидритни ютиб кислород этказиб бериш миқдори бошқа дарахтларга нисбатан юқори. Бу эса ўз навбатида кичик туман лойиҳасида микроиқлимини яратишга хизмат қиласди.

Маҳаллий ички қўчалар ҳам автоуловларнинг ўзидан чиқарадиган вибрациясига чидамли. Умумий эни 6.0 метрни ташкил этади. Йўллар автоуловларнинг эркин ҳаракатланишига тўсқинлик қилмайди. Лекин, бунда кесиши яъни(сквозной) йўлларга йўл қўйилмаган.

Кичик туман, тураг жой раёни ва саноат раёнларидағи ички қўча ва йўллар - бинолар гуруҳига ёки алоҳидаги бино ва иншоотларга, маданий- майший объектларга, дўкон, мактаб, боғчаларга, хўжалик майдонлариға, ёнғинга қарши гидрантлар ва бошқа хўжалик ва хавфсизлик обйъётларига хизмат қиласди. Кўчалар шаҳарларнинг дастлабки шакллана бошлаган пайтлардан бошлаб шаклланади. Шаҳарда транспорт тизимини ташкиллаштириш шаҳардаги аҳоли зичлиги , ҳар 1000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сонига, тарихан шаҳарнинг шаклланишида кўча-йўл тармоғининг қайси схема асосида шаклланганлигига боғлиқдир.

Замонавий шаҳарсозликда транспорт тизимини мақбул ечимини яратиш шаҳарни шакллантиришда асосий рол ҳисобланади.

Транспорт тизими қуйидагилардан иборатdir:

- кўча-йўл тармоғи;
- жамоат транспорт тармоғи;
- ташқи ва шаҳар олди транспорти;
- транспорт инфраструктураси.

### Кўча ва йўллар

Кўча - бу аҳоли турагжойининг бир қисми бўлиб, шаҳардаги барча ҳаракатни ўтказишига, оқава сувларни оқизишини ташкил этиш, ер ости тармоқларни ўтказиши, кўкаламзорлаштириш ва ер усти қурилмаларини ўрнатишга мўлжалланади.


Бундан ташқари, кўчалар - бу шаҳардаги бино ва иншоотлар ансамблига эстетик, экологик рух багишловчи очик фазовий мухитдир. Кўчаларнинг чегаралари эни буйича бош режада белгиланувчи «қизил чизик» лар билан белгиланади.

Қизил чизиклар қарама-қарши жойлашган микрораёнларни, саноат раёнларини, бодларни, хиёбонларни, спорт мажмуаларини, тураржойлар ва бошқа иншоотларни кўча худудидан ажратиб туради.

Қизил чизик чегарасидан кўча тарафга ўтувчи бино ва иншоотлар ёки уларнинг бирор қисмини қуриш қатиян таъкиқланади.


### **Кўча элементлари:**

1-қатнов қисми; 2-ажратувчи полоса; 3-ажратувчи яшил полоса; 4-арик; 5- пиёдалар йўлкаси; 6- ташқи ёритиш чироқлари.



*Шаҳар марказига кириб келувчи 1-даражали кўчаларининг кўндаланг кесими*

Тураржой кўчаларининг кенглиги 14 м ни ташкил килади. Бу ўлчам яшил полосалар хисобига узгариши мумкин.



*Шаҳар марказига кириб келувчи 2-даражали кўчаларининг кўндаланг кесими*

Тураржой кўчаларининг кенглиги 20 м ни ташкил килади. Бу ўлчам яшил полосалар хисобига узгариши мумкин.

### **Кўча ва йўллар тоифалари:**

Барча турдаги шаҳар транспортининг жадаллиги ва тезлигининг ортиши билан шаҳарларда транспорт тармоғИ учун янгича талаблар қўйилади. катта бўлмаган кварталлардан иборат шаҳарларимизда деярли бир хил шаклда ўтказилган кўча-йўл тармоқлари бугунги кун транспорт талабларига жавоб беради.

Кўча ва йўл тармоқларини тоифалаштириш транспорт оқимини жадал равишда ўтказиш имконини беради.

### **Тураг жой кўчалари:**

Микрораён ва турагжой даҳаларининг шаҳар магистраллари билан боғлашда транспорт ва пиёдалар учун хизмат қиласиди.

Тураг жой кўчаларида ҳаракат ҳажми 100-200 авто/соатга тенг. Одатда бундай кўчаларда жамоат транспорти ҳаракати йўлга қўйилмайди.

Тураг жой кўчаларида қатнов қисмининг ўқларига нисбатан эгрилик радиуси 125 м бўлиб, энг катта бўйлама қиялик 8% ( тоғли худудларда 10% ) ни ташкил этади. бундай кўчаларда ҳисобий тезлик 60км/с ни ташкил этади.

Тураг жой кўчаларига алоҳидаги ёки тураг жой бинолари гуруҳларига олиб борувчи ички йўлаклар бевосита қўшилади.

### **Ички йўлаклар:**

Ички йўлаклар микрораёнлар ичидаги лойиҳаланиб , алоҳидаги ёки бинолар гуруҳига хизмат қиласиди. Одатда улар туман миқёсидаги магистрал кўчага ёки тураг жой кўчларига бориб уланади. Саноат туманларида эса улар орқали алоҳида обектларга борилади.

Ички йўлакларида қатнов қисмининг ўқларига нисбатан эгрилик радиуси 30 м бўлиб, энг катта бўйлама қиялик 8% ( тоғли худудларда 10% ) ни ташкил этади. Бундай кўчаларда ҳисобий тезлик 30км/с дан ошмаслиги лозим.

### **Пиёдалар йўллари:**

Пиёдалар йўллари микрораёнларда, тураг жой туманларида , жамоат ва савдо марказларида , истироҳат боғларида , ўрмон типидаги истироҳат боғларида дам олиш масканларида , кўргазмаларда спорт мажмуаларида ва бошқа пиёдалар тўпланадиган жойларда лойиҳаланади.

Сўнги йилларда , шаҳарсозликда пиёдалар йўлларини транспорт йўлларидан имкони борича ҳимоялашга ҳаракат қилинмоқдадир.

Мен ўз битириув лойихамда пиёда йўлларимни , пиёда йўлаклари каби қатнов қисми бўйлаб эмас,балки эркин равишда, маданий-маиший марказларга ,жамоат транспорти бекатларига , маҳсус аллеяларига ,пиёдалар учун ажратилган кўчаларга чиқадиган қилиб лойиҳалашни теклиф этдим.

Пиёдалар йўллари ва йўлаклари учун максимал бўйлама қиялик 8% ни ташкил этади.


### **Қуийдатурлитоифадагикўча,йўлваичкиқатновқисмларинингкенглигикелт ирилган**

№	Кўч-йўл тоифалар	Битта полоса кенглиг и,м	Иккала йўналишда ҳаракат полосалари сони	
			Камида	Истиқболдаги ҳаракат ҳажмини ҳисобга олган ҳолда
1	Тезкор йўллар	3,75	6	8
2	Шаҳар аҳамиятидаги магистрал кўчалар: - узлуксиз ҳаракатдаги; - ҳаракати бошқариладиган.	3,75 3,75	6 4	8 6
3	Туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар	3,75	4	6
	Юқ транспорти ҳаракати учун йўллар	3,75	2	4
4	Маҳаллий аҳамиятдаги кўча ва йўллар: - Тураг жой кўчалари; - саноат зонасидаги йўллар;	3 3,75	2 2	4 4
	Поселка йўллар	3,5	2	2

Микрораёнларда транспортларнинг ички қатнови муҳим аҳамият касб этади. Албаттa, туаржойлари бўлан жойларда автоуловлар ҳам бўлади, уларни қатнови,туриши учун шароит керак бўлади.

#### **Автоуловларнинг жойлашиш схемаси:**


1-Очиқ автотураргоҳ; 2- очиқ автотураргоҳ; 3- бинодан ташқарида жойлашган втотураргоҳ; 4-бинонинг ер тўла қисмида жойлашган автотураргоҳ.




Автоуловларнинг пана ёки очиқ ҳавода жойлаширилиши ҳам ҳисобга олиниши керак. Кичик туман лойиҳасининг умумий майдонига нисбатан энг оптималь масал ечимини танлашга ҳаракат қилдим. Бунда асосий ахолининг нечи фоизи меҳнатга лаёқатли, неча фоиз меҳнатга лаёқатли аммо уйда ўтиради ва меҳнатга лаёқацизларини ҳисоблаб, умумий автоуловлар сонининг лаёқациз қисмига кўпайтириш ҳисобига аниқладим. Яъни меҳнат қилмайдиган ахолини автоуловлари ҳисобланиб, кун давомида автоуловларининг ҳаракатланиши ҳисобга олинган ҳолда, очиқ ёки ёпик автотураргоҳлани лойиҳа таклифини билдиридим,

Автотураргоҳлар қандай ва қаерда жойлашишидан қатъий назар бинонинг ичидами ёки ташқарида уларни эркин ҳаракатланишга имкон яратилган бўлиши керакдир. Нафақат, турар жойларда яшовчи фуқаролар эркин қатнаши, балки, ёнғин, тиббий ёрдам ёки ҳар қандай фавқулотда вазиятларда автоуловларни ҳаракатланишига имкон яратилган бўлиши керак. Ўз бошимчалик билан йўлларни тўсишга қатъиян ман этилади.

Айрим ҳоллардагина тўсиш мумкин, агарда машиналарнинг кириш-чиқиши



йўллари назорат этилсагина бугун руҳсат этилади. Бунда бегона машиналарни



тотураргоҳларга киришидан сақлади. Бу билан маълум бир тартибга эришилади.

### Автомобилларнинг жойлашиш схемаси

## ХУЛОСА

Бити्रув малакавий ишім яғни “Термиз шаҳри учун “Termizcity” лойиҳаси”.

Мен танлаган манвзуни долзарблиги шундаки нафақат Термиз шаҳрида балки бутун Республикаимиз бўйлаб ободонлаштириш қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳарсозликка бўлаётган эътибор ниҳоятта като, айниқса Тошкентимизда ҳусусан Термиз шаҳрида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Ҳозирги кунда Термиз шаҳрининг барча ҳудудларини реконструксия қилиш ва қурилиш масалаларига эътибор қаратилган. Албатта мен ҳам шундан четда қолмаган ҳолда Термиз шаҳрининг ҳудудидан ўзимга “Termizcity” ҳудудини лойиҳаладим. Кўкламзорлаштириш ҳудудлари майдони турар жой биноларини том қисмига лойиҳаланиши ҳисобига ҳам кенгайтирилди. Қурилиш майдонинг ҳар бир жойидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Марказ ичкарисида жойлашганига қарамасдан авто уловларда эркин кириш ва чиқиш чоралари, ёнғин ҳавфсизлиги уловларини ҳаракати учун йўллар эни меъёр бўйича тавсия этилди. Ушбу шаҳар мажмуасини максимал даражада ҳавфсиз, экологик жиҳатдан тоза, ташқи кўриниши жиҳатидан барчани ўзига жалб эта оладиган меъморий ечимлардан фойдаландим. Таклиф этган битириув лойиҳам ўйлайманки шаҳарнинг умумий кўриншини гўзаллигига ўзхиссаси қўшади. Шу билан бирга умумий иқлимини яхшиланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Ердан унумли фойдаланишга ва аҳолини ўзига нисбатан безарар қилиб лойиҳалашга ҳаракат қилдим. Аҳоли учун биринчи ўринда керак бўладиган барча муассаса ташкилотлари, майший – хўжаликбиноларини, жамоат ва маъмурий бинолари радиусини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашга ҳаракат қилдим. Республикаимизда шу каби лойиҳаларми агар амалга ошириш суратини оширсак, ўйлайманки экологик тоза, эстетик гўзал шаҳар яратамиз. Аҳолини ўзи ҳам шу заминга нисбатан муносабатини ўзгартиради деб ўйлайман. Шунда, Биз эса аждодларимизни орзусини амалга оширган бўламиз. Буюк ва гўзал замин яратадим.

# КОНСТРУКТИВ ҚИСМИ

## **БИНОЛАРНИНГ УМУМИЙ КОНСТРУКТИВ ЕЧИМИ**

Бинонинг конструктив ечими лойҳалаштиришнинг дастлабки босқичида конструктив ва қурилиш системаларини ҳамда конструктив схемаларни танлаш би-лан белгиланади.

Конструктив система бинонинг мустаҳкамлигини, устиворлигини таъминловчи, ўзаро боғланган юк кўтарувчи конструкцияларнинг мажмуасидир. Конструктив системани танлаш билан бинодаги ҳар бир конструкциянинг статик роли белгилаймиз.

Бинодаги юк кўтарувчи конструкцияларни горизонтал ва вертикал элементлардан иборат дейиш мумкин. Горизонтал юк кўтарувчи конструкциялар (том ёпмалари, қаватлараро ёпмалар) ўзларига тушадиган барча вертикал юкларни қабул қилиб олиб, вертикал юк кўтарувчи конструкциялар (деворлар)га ўзатади ва вертикал юк кўтарувчи конструкция эса устунсимон пойдеворга узатади. Шу билан бирга горизонтал юк кўта рувчи конструкциялар бинодаги бикрлик диаф-рагмаси вазифасини ҳам бажарадилар, яъни горизонтал юклар ва таъсирларни (шамол, зилзила ва бошқа) қабул қилиб вертикал юк кўтарувчи конструкцияларга узатадилар.

Горизонтал юкларни вертикал конструкцияларга узатишни турли усуллар билан амалга ошириш мумкин (барча вертикал конструкцияларга ёки маҳсус вертикал диафрагмаларга, боғловчи элементларга, ёки ҳар иккаласига ҳам).

Вертикал юк кутарувчи конструкциялар турли хил. Бу конструкцияларнинг тури конструктив системаларни турларга бўлиш учун белги бўлиб хизмат қиласди. Мени лойиҳамда вертикал юк кўтарувчи конструкцияларни ясси конструкциялар (деворлар)дир. Бу чизаётган лойиҳам нокулай ер бўлгани сабабли мен устунсимон пойдеворни танладим.


# БИНОЛАР ҚУЙИДАГИ КОНСТРУКЦИЯЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН:

Курилиш конструкциялари деганда курилиш ишлари жараёнида ўзаро боғланган элементлардан яралган бино ёки иншоотнинг турли вазифага мўлжалланган (бино девори, том, ёпма, пойдевор ва шунга ўхшаш) қисми тушунилади.

Пойдеворлар бинодан тушадиган юкларни заминга узатиш учун хизмат қилади. Бинонинг узоққа чидамлиги, мустаҳкамлиги ва устиворлиги кўп жихатдан пойдеворнинг сифатига боғлик.

Пойдеворлар тўлиқ плита шаклида монолит бетондан иборат бўлиб, чуқурлиги полга нисбатан - 11,1м да жойлашган. Пойдевор қалинлиги 400 мм ва бинонинг тўлиқ остига қилинади. Пойдевор учун бетон синфи В 15 ва А-III арматура каркас ва тўрлар билан жиҳозланган.

Пойдевор бетонини тўкишдан аввал қалинлига 10 см бўлган синфи В 7.5 маркали қоришма билан текисланиб сув ўтказмайдиган қилиб қиздирилган битум мастикаси билан икки марта суртилади.




Ташки деворлар бинодаги ички сунъий яратилган муҳитни ташқимухитдан ажратиб туради ва бино фасадининг асосий композиция вазифасини ҳамда, кўпинча, юк кўтариш вазифасини ҳам бажаради.

Бинонинг ташқи девори майда енгил бетондан иборат бўлиб, девор қалинлиги  $\delta = 380$  мм, майда енгил бетон ўлчамлари 270x120x60 мм ни ташкил этиб, ушбу бинонинг девори цемент қум қориши маси маркаси M50 дан кам бўлмаган қо-ришма билан терилади. Деворнинг туташув ерларига арматура тўри ётқизилган. Бўйлама арматуранинг умумий кесим юзаси  $1 \text{ см}^2$ , узунлиги 1,5 м олиниб баландлик бўйича ҳар 700 мм га битта сим тўр мўлжалланган.

Чордоқ ёпмасига тикланган, баландлиги 600 мм ли бўлган девор қисмлари арматураланган ва антисейсмик камарларга маҳкамланган.

**Ички деворлар** одатда юк кўтариш ҳамда тўсиқ конструкция вазифасини ба- жаради.


Бинонинг ички девори майда енгил бетондан иборат бўлиб, девор қалинлиги  $\delta = 380$  мм, майда енгил бетондан ўлчамлари 250x120x65 мм ни ташкил этиб, ушбу бинонинг девори цемент қум қориши маси маркаси M50 дан кам бўлмаган қориши маши билан терилади. Деворнинг туташув ерларига арматура тўри ётқизилган. Бўйлама арматуранинг умумий кесим юзаси  $1 \text{ см}^2$ , узунлиги 1,5 м олиниб баландлик бўйича ҳар 700 мм га битта сим тўр мўлжалланган.



**Пардадеворлар** биноларнинг қаватларини хоналарга ажратиш учун қўлланиладиган юпқа, юк кўтармайдиган, вертикал ички тўсиқ конструкциясидир.

Бинонинг пардадевори майда енгил бетондан иборат бўлиб, девор қалинлиги  $\delta = 120$  мм 0,5 қаторли, ғиштдан ташкил топган бўлиб ўлчамлари 250x120x65

мм ни ташкил этиб, ушбу бинонинг девори цемент қум қориши маси маркаси M50 дан кам бўлмаган қоришима билан терилади..




**Цокольлар** деворнинг 1-қават поли сатҳидан пастда жойлашган бино атрофидаги ер сатҳигача бўлган қисми бўлиб, деворни атмосфера намлиги ва бошқа таъсир-лардан сақлайди, ҳамда тўғридан-тўғри пойдевор устида ётади.

Ушбу сатҳ “Кабанчик” туридаги плиталар билан жиҳозланган. Унинг баландлиги 0,6 м.

**Бино атрофидаги асфальт қопламалар (отмостка)** атмосфера сувларини бино атрофидан қочириш учун хизмат қиласди.

Бинонинг периметри буйича 1м энлиликда асъфальт бетон тўшама  $\delta = 80$  мм қалинликда тўшалади. Асъфальт бетон тўшама тагидан  $\delta = 80$  мм қалинликда шебенъ тўшама тўшалиб текисланади.



**Қаватлараро ёпмалар** биноларнинг ички фазосини қаватларга бўлиб турувчи горизонтал тўсиқ конструкциядир.

Ора ёпма конструкциялари отсек чегарасида горизонтал ва вертикал текисликлар бўйича бикр мустаҳкам. Вертикал элементларга боғланган. Бу боғланиш горизонтал кучларни вертикал элементларга узатиши зилзила жараёнида конструкцияларнинг биргаликда ишлашини таъминлайди.

Ора ёпма плиталар яхлит бетондан иборат бўлиб қалинлиги  $\delta = 200$  мм ни ташкил этади ва деворга тўлиқ жойлашиб антесейсмик белбоғ вазифасини бажаради.


Яхлит бетон плитага В15 маркали бетон ва А-III, А-Іарматуралар қўлланилган.

**Ёпмалар** биноларнинг юқориги горизонтал тўсиқ конструкциясидир. У ҳам ички муҳитни ташқи муҳитдан ажратиб туради.

Ёпмалар конструкциялари отсек чегарасида горизонтал ва вертикал текисликлар бўйича бикр мустаҳкам. Вертикал элементларга боғланган. Бу боғланиш горизонтал кучларни вертикал элементларга узатиши зилзила жараёнида конструкцияларнинг биргаликда ишлашини таъминлайди.

Ёпма плиталар яхлит бетондан иборат бўлиб қалинлиги  $\delta = 200$  мм ни ташкил этади ва деворга тўлиқ жойлашиб антесейсмик белбоғ вазифасини бажаради.


Яхлит бетон плитага В15 маркали бетон ва А-III, А-Іарматуралар қўлланилган.



**Том қисми** бинонинг устки якунловчи ва уни қор, ёмғир ва бошқа нобоп таъсирлардан ҳимоя қилувчи қисмидир.

Толм қисми учқават битум, рувириоид мастика, цемент-күм қоришина, иссиқлик сақловчи қатлам, буг ўтказмайдиган қатлам ва яхлит т/б плитадан иборат.

Учқават битум
Рувириоид мастикаси
Цемент-күм қоришина
Иссиқлик сақловчи қатлам
Буг ўтказмас қатлам
Темир бетон яхлит том ёпма плитаси




**Дераза блоки** кесаки ва тавақалардан иборат ойнаванд конструктив элемент. Бинодаги хоналарни табиий ёритишга хизмат қиласи.

Дераза блоки стандарт бўлиб Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган дераза блоки, материали АКФА дан қабул қилинибуларнинг маркаси ОСП15-18; ОСП09-12, ОСП06-7.5, уланинг улчамлари баландлиги  $h=1.50$  м эни  $B=1,5$  м; 1,20 м; 0,9 м; лар ва бино турига қараб  $h=xxx$  м эни  $B=xxx$  м;  $xxx$  м;  $xxx$  м; иборат бўлган конструкциялар жойлашган.

**Эшик блоки** ҳам кесаки ва тавақалардан ташкил топади. Бинодаги хоналарни ўзаро боғлаш учун керак.



Эшик блоки –стандарт бўлиб Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган дераза блоки, материали АКФА дан қабул қилинибуланинг ўлчамлари баландлиги  $h=xxx$  м эни  $B=xxx$  м;  $xxx$  м;  $xxx$  м; ; лардан ташкил топган ва уларнинг қалинлиги  $xx$  мм дан ташкил топган.



Зина марши қуйма темир-бетон конструкциялардан ташкил топган бўлиб қуйма моналит қилиб қурилади.


Зилзила чоғида зина марши сирпаниб тушиб кетмаслиги учун улар зина майдонига пайванд қилиб маҳкамлаб боғланган. Боғловчилар зилзила таъсирида вужудга келадиган чузилиш ва силжиш кучларига ҳисобланган.

Зина қурилишида ён томонларига кассаур ўрнига швеллердан фойдаланилиб арматура сеткасига  $\phi 12$  А-Шарматурадан фойдаланилади ва бетон синфи В15.



**Поллар** -бинолардаги хоналарда инсон учун шинам шароит яратиш ва санитариягиена талабларига жавоб берадиган сирт ҳосил қилиш учун ертула, цоколь ва қаватлараро ёпмалар устида ёки биринчи қаватларда бевосита грунт устида пол қилинади.

Лойихаланаётган бино туарар-жой бўлгани учун ундан хоналарнинг фойдаланиш шароитидан келиб чиқиб меҳмонхона, ётоқхона, ошхона ва даҳлизларда поллар тахтадан қилинган , тахтадан пол қилинлиги  $\delta = 29$  мм ли тахталардан ўрнатилади. Ваннахона, ҳожатхона хоналарида намлик доимий бўлгани учун ушбу хоналаримизда керамик плиталардан поллар ўрнатилади. Зинапоя майдони жойлашган хоналарда бетонли ва цементли поллар ўрнатилади.



Перемичкалар – деворнинг конструктив детали бўлиб дераза ва эшик ўринлари тегасида жойлашади. Юқорида жойлашган теримдан тушадиган юкни, кўтариб турувчи деворларда эса ораёпмалардан тушадиган қўшимча юкларни қабул қи-либ, уларни деворга узатиш учун хизмат қиласи.

Перемичкалар-сифатида йиғма темирбетон перемичкалар ишлатилган. Уларнинг серияси 1.138-10 выпуск 1, маркалари 2ПР 27.38.14-72 АIV, 2ПР 24.38.14-72 АIV, 2ПР 21.38.14-72 АIV, 2ПР 16.38.14-72 АIV, 2ПР 15.38.14-72 АIV, 2ПР 13.38.14-72 АIV лардан ташкил топган бўлиб уларнинг узинлиги  $L=2,7$  м; 2,4 м; 2,10 м; 1,8 м; 1,6 м; 1,5 м бўлиб эни 0,3 м ва 0,19 м баландлиги  $h= 22$  см дан ибо-рат бўлган конструкциялар танлаб олинган.

## **БИНОЛАРНИНГ ЯХЛИТ ТЕМИРБЕТОН ПЛИТАЛИ ТОМ ЁПМАСИНИНГ ТЕПЛОФИЗИК ҲИСОБИ.**

ШНҚ 2.01.01-94 да тавсия этилган тартибда теплофизик ҳисоблар учун зарур бўлган маълумотларни қабул қиласи.

1. Қурилиш худуди: Термизшаҳри
2. ШНҚ 2.01.01-94 дан Термизшаҳри намлиқ бўйича қуруқ зонада жойлашган.
3. ШНҚ 2.01.01-94 дан Термизшаҳри ташқи ҳавоси ҳисобий ҳарорати  $t_h$  сифатида қуидаги маълумотларни қабул қиласи:

-энг совуқ суткаларнинг бадастурлиги 0,98 бўлган ўртача ҳарорати  $t_H^1 = -18 {}^0C$  ;

- энг совуқ суткаларнинг бадастурлиги 0,92 бўлган ўртача ҳарорати  $t_H^1 = -15 {}^0C$  ;

-энг совуқ беш кунликнинг бадастурлиги 0,92 бўлган ўртача ҳарорати  $t_H^5 = -15 {}^0C$  ;

- энг совуқ уч кунликнинг бадастурлиги 0,92 бўлган ўртача ҳарорати  $t_H^3$ , қуидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$t_H^3 = \frac{t_H^1 + t_H^5}{2} = \frac{-15 - 15}{2} = -15 {}^0C$$

-июль ойининг ўртача ҳарорати  $t_H = +26,9 {}^0C$  ;

4. ШНҚ 2.01.01-94 Термизшаҳри учун июль ойидаги ташқи ҳаво ҳарорати суткалик тебранишларининг максимал амплитудаси аниқлаймиз  $A_{t_H} = 23,4 {}^0C$ .

5. Конструкция том бўлгани учун қўлланмадан горизонтал сиртлар учун максимал ва ўртacha қуёш радиациясини аниқлаймиз:

$$J_{max} = 928 \text{ BT/m}^2;$$

$$J_{cp} = 333 \text{ BT/m}^2.$$

6. Термизшахри учун румблар бўйича қайталаниши 16 % ва ундан ортиқ бўлган шамол ўртacha тезликларининг июль ойи учун минимал қийматини „аниқлаймиз:  $v = 1,6 \text{ % сек.}$


7. Тўсиқ конструкцияси ҳисобланаётган хонанинг вазифасига мувофиқ равища КМКдан лойиҳаланаётган хона учун ички ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва нисбий намлигини аниқлаймиз:

$$t_B = 18^0C; \quad \varphi_B = 55\%.$$

8. Аниқланган  $t_B = 18^0C$  ва  $\varphi_B = 55\%$  қийматларга асосланиб қўлланмадан хонанинг намлик режимини аниқлаймиз: **Мультадил.**

9. Хонанинг мультадил намлик режими ва Термизшахри куруқ зонада жойлашганини ҳисобга олиб, тўсиқ конструкциясини эксплуатация қилиш шароитини аниқлаймиз: **Б**. (Б шароит услубий ҳисоб учун шартли равища қабул қилинган).

10. Томнинг конструктив ёчими 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Томнинг конструктив ёчими.

1 – темирбетон плита; 2 – керамзит шағал,  $\gamma_0 = 800 \text{ кг/m}^3$

3 – цемент-кум коришмасидан текисловчи қатлам; 4 – битум мастикасидан ёпиширилган 3 қатлам рубероид; эслатма: 1 ва 2-қатламлар орасидаги пароизоляция қатламини теплофизик ҳисобларда эътиборга олинмаган.

ШНК 2.01.01-94 дан конструкцияни эксплуатация қилиш шароити Б га боғлиқ ҳолда ҳар бир материал учун иссиқлик ўтказувчаник коэффициентини аниқлаймиз:

- зичлиги  $\gamma = 2500 \text{ кг/m}^3$  темирбетон қатлам учун  

$$\lambda_1 = 2,04 \text{ Вт / (м} \cdot {^0}\text{C});$$

- зичлиги  $\gamma = 400 \text{ кг/м}^3$  керамзит шағал қатлам учун

$$\lambda_2 = 0,14 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot^\circ\text{C});$$

- зичлиги  $\gamma = 1800 \text{ кг/м}^3$  цемент-қум қоришимаси учун

$$\lambda_3 = 0,76 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot^\circ\text{C});$$

- зичлиги  $\gamma = 600 \text{ кг/м}^3$  руберойд қатлам учун

$$\lambda_4 = 0,17 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot^\circ\text{C});$$

Юқоридаги ҳар бир материал учун иссиқлик ўзлаштириш коэффициентларини аниқтаймиз:

1 – зичлиги  $\gamma = 2500 \text{ кг/м}^3$  темирбетон қатлам учун

$$S_1 = 18,95 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot^\circ\text{C});$$

2 - зичлиги  $\gamma = 800 \text{ кг/м}^3$  керамзит шағал қатлам учун

$$S_2 = 1,99 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot^\circ\text{C});$$

3 - зичлиги  $\gamma = 1800 \text{ кг/м}^3$  цемент-қум қоришимаси учун

$$S_3 = 9,6 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot^\circ\text{C});$$

4 - зичлиги  $\gamma = 600 \text{ кг/м}^3$  руберойд қатлам учун

$$S_4 = 3,53 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot^\circ\text{C});$$

1. Том конструкцияси ва унинг сиртлари характеристига боғлиқ ҳолда, ички ва ташқи сиртлар иссиқлик бериш коэффициентини ШНҚ 2.01.04-97 дан аниқтаймиз:

$$\alpha_B = 8,7 \frac{\text{Вт}}{(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})} \text{ ва } \alpha_H = 23 \frac{\text{Вт}}{(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})}.$$

2. Том конструкцияси учун ташқи сиртнинг ташқи ҳавога нисбатан ҳолатини хисобга олувчи коэффициентини аниқтаймиз:

$$n=1.$$

12. Томнинг ташқи сирти руберойд қатламнинг қуёш радиациясини ютиш коэффициенти  $\rho$ -ни аниқтаймиз:

$$\rho = 0,9$$

### Қишиш шароити учун томнинг иссиқлик-физик хисоби.

1. Конструкция учун иссиқлик инерцияси D нинг қийматини такрибан  $4 < D_t < 7$  деб

қабул қилиб, унга мос равиша тавсияларга асосланиб ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати  $t_h$  ни аниқлаб оламиз. Экстремал ҳолат учун  $t_h = -18^{\circ}\text{C}$ .

2. Қуйидаги формула ёрдамида конструкция учунталаб этилган иссиқлик ўзатиш қаршилиги  $R_o^{TP}$  – ни аниқлаймиз.

$$R_o^{TP} = \frac{(t_B - t_H) \cdot n}{\Delta t^H \cdot \alpha_B} = \frac{(18 + 18) \cdot 1}{4 \cdot 8,7} = 1,034 \text{ Вт} / (\text{м}^2 \cdot {}^{\circ}\text{C})$$

3. Кўрилаётган конструкция учун умумий иссиқлик ўзатиш қаршилигини қўйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз.

$$R_\theta = \frac{I}{\alpha_B} + \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3} + \frac{\delta_4}{\lambda_4} + \frac{I}{\alpha_u}$$

Бу ерда  $\delta_1$  - темирбетон плитанинг қалинлиги, м;

$\delta_2$  - иссиқлик изоляция қатламининг қалинлиги, м;

$\delta_3$  - текисловчи цемент-кум қоришмаси қатламининг қалинлиги, м;

$\delta_4$  - руберойд қатламнинг қалинлиги, м.

Бунда конструкциядаги қатламлар ички сиртдан ташқи сирт томонга қараб номерланган.

4.  $R_\theta \geq R_{o^{mp}}$  шартнинг бажарилишини таъминлаш шартидан келиб чиқкан ҳолда қўйидаги формуладан фойдаланиб  $\delta_2$  ни аниқлаймиз:

$$\delta_2 = (R_{o^{mp}} - \frac{I}{\alpha_B} - \frac{\delta_1}{\lambda_1} - \frac{\delta_3}{\lambda_3} - \frac{\delta_4}{\lambda_4} - \frac{I}{\alpha_u}) \cdot \lambda_2 =$$

$$= (1,034 - \frac{I}{8,7} - \frac{0,05}{2,04} - \frac{0,04}{0,76} - \frac{0,02}{0,17} - \frac{I}{23}) \cdot 0,14 =$$

$$= (1,034 - 0,115 - 0,024 - 0,052 - 0,117 - 0,043) \times 0,14 = 0,095 \text{ м.}$$

$\delta_2$  ни катта томонга яхлитлаб нишабликни эътиборга олган ҳолда 0,15 м (15 см) қабул қиласиз.

5. Қуйидаги формула ёрдамида конструкция иссиқлиқ инерцияси  $D_x$  нинг ҳисобий қийматини аниқлаймиз:

$$D_x = \frac{\delta_1}{\lambda_1} \cdot S_1 + \frac{\delta_2}{\lambda_2} \cdot S_2 + \frac{\delta_3}{\lambda_3} S_3 + \frac{\delta_4}{\lambda_4} \cdot S_4 = \frac{0,05}{2,04} \cdot 18,95 + \frac{0,15}{0,14} \cdot 1,99 + \\ + \frac{0,04}{0,76} \cdot 9,6 + \frac{0,02}{0,17} \cdot 3,53 = 0,464 + 2,13 + 0,505 + 0,415 = 3,51$$

6. Иссиқлиқ инерциясининг формула ёрдамида аниқланган қиймати  $D_x$  юқорида тақрибан қабул қилинган қиймат  $D_t$  билан таққослаймиз.

$D=3,51 < 4$  яъни конструкциянинг иссиқлиқ инерцияси тақрибан қабул қилинган қиймат талабга жавоб бермайди.

$$R_2 = \frac{0,15}{0,14} = 1,071 \text{ м}^2 \cdot {}^\circ \text{C / Bm}$$

$$R_o = \frac{1}{8,7} + \frac{0,05}{2,04} + \frac{0,15}{0,14} + \frac{0,04}{0,76} + \frac{0,02}{0,17} + \frac{1}{23} = 0,115 + 0,024 + 1,071 + 0,052 + 0,117 + 0,043 = \\ = 1,422 \text{ м}^2 \cdot {}^\circ \text{C / Bm}$$

8.  $R_o > R_{op}^{mp}$  шартнинг бажарилишини текшириб кўрамиз.

$$R_o = 1,422 > R_{op}^{TP} = 1,034 \text{ м}^2 \cdot {}^\circ \text{C / Bm}$$

$\sum D$  ни аниқлаймиз:

$$\sum D = 0,464 + 2,13 + 0,505 + 0,415 = 3,51$$

Яъни, Термиз шаҳри шароити учун юқорида кўрилган том конструкциясининг иссиқлиқ ўтказишга умумий қаршилиги етарли ҳисобланади.

9. Ҳисобланаётган том учун иссиқлик инерциясининг қиймати **D=3,51<5**, бу ҳолда конструкциянинг иссиқликка чидамлигини ҳисоблаш лозим.

### **Ёз шароити учун томнинг иссиқликка чидамлилик ҳисоби.**

1. Юқоридаги формула ёрдамида конструкция қатламларининг иссиқлик инерцияларини аниқлаймиз:

Биринчи темирбетон плита қатлам учун.

$$D_1 = \frac{\delta_1}{\lambda_1} \cdot S_1 = \frac{0,05}{2,04} \cdot 18,95 = 0,464$$

Иккинчи керамзит шағал учун:

$$D_2 = \frac{\delta_2}{\lambda_2} \cdot S_2 = \frac{0,15}{0,14} \cdot 1,99 = 2,13$$

Учинчи цемент-қум қоришмаси учун:

$$D_3 = \frac{\delta_3}{\lambda_3} \cdot S_3 = \frac{0,04}{0,76} \cdot 9,6 = 0,505$$

Тўртинчи руберойд қатлам учун:

$$D_4 = \frac{\delta_4}{\lambda_4} \cdot S_4 = \frac{0,02}{0,17} \cdot 3,53 = 0,415$$

**D<sub>1</sub>, D<sub>2</sub>, D<sub>3</sub> ва D<sub>4</sub>** ларнинг қийматларига мувофиқравиша қатламлар ташқи сиртларининг иссиқлик ўзлаштириш коэффициентларини аниқлаймиз:

Биринчи қатлам учун **D<sub>1</sub> = 0,464 < 1**, шунинг учун Y<sub>1</sub> нинг қийматини қўйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$Y_{1,} = \frac{R_1 \cdot S_1^2 + \alpha_B}{1 + R_1 \cdot \alpha_B} = \frac{\frac{0,05}{2,04} \cdot 18,95^2 + 8,7}{1 + \frac{0,05}{2,04} \cdot 8,7} = 14,327 \text{ BT/m}^2 \cdot {}^\circ\text{C};$$

Иккинчи қатлам учун **D<sub>2</sub> = 2,13 > 1** бўлгани учун ташқи сиртнинг иссиқлик ўзлаштириш коэффициенти Y<sub>2</sub> материалнинг иссиқлик ўзлаштириш коэффициенти S<sub>2</sub> га teng яъни,

$$Y_2 = S_2 = 1,99 \text{ BT/m}^2 \cdot {}^\circ\text{C};$$

Учинчи қатлам учун **D<sub>3</sub> = 0,505 < 1** бўлгани учун ташқи сиртнинг иссиқлик ўзлаштириш коэффициентини қўйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$Y_3 = \frac{R_3 \cdot S_3^2 + Y_2}{1 + R_1 \cdot Y_2} = \frac{\frac{0,04}{0,76} \cdot 9,6^2 + 1,99}{1 + \frac{0,04}{0,76} \cdot 1,99} = \frac{6,78}{1,104} = 6,14 \text{ BT/m}^2 \cdot ^\circ C;$$

Тўртинчи қатлам учун  $D_4 = 0,415 < 1$  бўлгани учун ташқи сиртнинг иссиқлик ўзлаштириш коэффициентини қўйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$Y_4 = \frac{R_4 \cdot S_4^2 + Y_3}{1 + R_4 \cdot Y_3} = \frac{\frac{0,02}{0,17} \cdot 3,53^2 + 6,14}{1 + \frac{0,02}{0,17} \cdot 6,14} = \frac{7,597}{1,718} = 4,422 \text{ BT/m}^2 \cdot ^\circ C;$$

2. Қўйидаги формула ёрдамида ёз шароити учун ташқи сирт иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаймиз.

$$\alpha_H = 1,16 \cdot (5 + 10 \cdot \sqrt{v}) = 1,16(5 + 10\sqrt{1,6}) = 20,41 \text{ BT/m}^2 \cdot ^\circ C.$$

3. Қўйидаги формула ёрдамида ҳарорат ўзгаришлари амплитудасининг конструкциядан ўтишдаги сўнишини аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} v &= 0,9e^{\frac{D}{\sqrt{2}}} \cdot \frac{(S_1 + \alpha_B) \cdot (S_2 + Y_1) \cdot (S_3 + Y_2) \cdot (S_4 + Y_3) \cdot (\alpha_H + Y_4)}{(S_1 + Y_1) \cdot (S_2 + Y_2) \cdot (S_3 + Y_3) \cdot (S_4 + Y_4) \cdot \alpha_H} = \\ &= 0,9e^{\frac{3,51}{\sqrt{2}}} \cdot \frac{(18,95 + 8,7)(1,99 + 14,32)(9,6 + 1,99)(3,53 + 6,14) \cdot (23,77 + 4,422)}{(18,95 + 14,327)(1,99 + 1,99)(9,6 + 6,14) \cdot (3,53 + 4,422) \cdot 23,77} = \\ &= 0,9 \cdot 11,88 \cdot \frac{27,65 \cdot 16,31 \cdot 11,59 \cdot 9,67 \cdot 20,41}{33,27 \cdot 3,98 \cdot 15,74 \cdot 7,95 \cdot 20,41} = 10,69 \cdot \frac{1031577,85}{338182,19} = 32,67^\circ C \end{aligned}$$

4. Қўйидаги формула ёрдамида том учун ташқи ҳаво ҳарорат ўзгаришларининг хисобий амплитудасини аниқлаймиз:

$$A_{t_H}^{pacq} = 0,5A_{t_H} + \frac{\rho(J_{max} - J_{cp})}{\alpha_H} = 0,5 \cdot 23,4 + \frac{0,7(928 - 333)}{20,41} = 32,11^\circ C$$

5. Томнинг ички сиртидаги ҳарорат ўзгаришлари амплитудасини қўйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

